

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**“Ишлаб чиқаришда бошқарув” факультети**

**“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси**

**“Ҳимояга руҳсат этилди”**

Кафедра мудири  
доц. Тошпўлатов О.

“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_ 2013 йил

**5340900 “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши бўйича**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу:** Тижорат банкларида нақд пул муомаласини ташкил этиш  
ва ҳисобини юритиш

Талаба:

Имомов Ш.  
56-09 гуруҳ талабаси

Битирув малакавий ишига  
раҳбар маслахатчи

О.Нурматов.

**Фарғона - 2013**

## МУНДАРИЖА

|                                                                                                                                           |           |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш.....</b>                                                                                                                         | <b>3</b>  |
| <b>1. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШДА<br/>БАНК ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ</b>                                                        |           |
| 1.1. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари, тамойиллари ва функциялари.....                                       | 7         |
| 1.2. Ўзбекистон Республикасида банк тизимининг ривожланиши ва ҳозирги кундаги аҳволи.....                                                 | 17        |
| 1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида банк тизимида амалга оширилган ишлар.....           | 27        |
| <b>2. «ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ<br/>ФИЛИАЛИНИНГ НАҚД ПУЛ МУОМАЛАСИНИ<br/>ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ</b>             |           |
| 2.1. «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилоят филиали фаолиятининг асосий йўналишлари.....                                                      | 39        |
| 2.2. «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилоят филиали молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳолати таҳлили.....                                      | 43        |
| 2.3. Нақд пул муомаласи ва пластик карточкаларни тадбиқ этиш борасида банк томонидан амалга оширилган ишлар.....                          | 54        |
| 2.4. Ташки иқтисодий фаолият ва хорижий валюталар бўйича пул муомаласининг ташкил этилиши.....                                            | 64        |
| <b>3. БАНКЛАРДА НАҚД ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА УЛАРНИНГ<br/>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ<br/>ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>                               |           |
| 3.1. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида тижорат банкларида нақд пул муомаласи ва бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўллари..... | 67        |
| <b>ХУЛОСА.....</b>                                                                                                                        | <b>72</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                                                                                              | <b>76</b> |

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган банк тизимини ислоҳ қилишда жаҳон андозаларига мос келувчи икки бўғинли замонавий банк тизимини босқичма-босқич яратишга асосий эътибор қаратилди. Миллий банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига асосан тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини фаоллаштириш ва кучайтириш мақсадида уларнинг фаолияти универсаллаштирилди ва хусусий банклар фаолияти учун кенг имкониятлар яратилди.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида тижорат банклари муассасаларининг кенг тармоққа эга бўлаётганлиги, ўз навбатида, миқдорларга сифатли банк хизматлари кўрсатиш, уларнинг банк хизматида бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва тижорат банклари ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайишига имкон бермоқда. Айниқса, кейинги йилларда ўз фаолиятини бошлаган нобанк ташкилотлари ҳисобланган кредит уюшмалари ва ломбардлар банк хизматлари бозорида тижорат банкларига кучли рақобатни юзага чиқармоқдалар. Сўнгги йилларда вужудга келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози банк тизимида бўлган эътиборни оширишни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор берилиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ, ҳозирги кунда бу борада ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуддир. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижаларига ҳамда ундаги банк тизими фаолиятига диққат эътиборини қаратган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар: “Бу борада банк хизматининг янги турларини жорий

етиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли депозитларига жалб этишни камида 30 фоизга кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш масалаларини қўшимча равишда ишлаб чиқиш талаб этилади.”<sup>1</sup>

Ушбу вазифаларни амалга оширишда банк тизимидаги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган банкларда нақд пул муомаласи ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг аҳамияти бекиёс каттадир. Ушбу омил мамлакатимиз тижорат банкларида нақд пул муомаласини тўғри йўлга қўйиш, уни ривожлантириш, ундаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг илмий асосланган йўллари ишлаб чиқиш мазкур битирув малакавий иши мавзусининг долзарблигини асослайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатни модернизация қилиш ва ислохотларни чуқурлаштириш даврида бозор субъектлари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган нақд пул муомаласи ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни ўрганишга эътибор янада ортмоқда. Иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида нақд пул муомаласи ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш муаммоларига кўплаб иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари бағишланган. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Ж.Матук, Э.Рид, Д.Полфреман, О.Лаврушин, Н.Соколинская, Г.Панова, К.Байнке, Ж.Синки, Э.Долан, В.Усоскин, Х.Дёриг, Питер С.Роуз, М.Портер ва бошқаларнинг илмий асарларида маркетингнинг турли қирралари ҳамда йўналишлари атрофлича ёритилган. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари иқтисодиётида маркетинг ва банк маркетинги фаолиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш масалалари А.Балабанов, Г.Багиев, А.Панкрухин, О.Лаврушин, Э.Жуков, Л.Маркова, В.Севрук, Г.Панова, И.Спицин, Я.Спицин ва бошқаларнинг ҳам илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг моҳияти, уларнинг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б.57-58

вазифалари ва банк тизимидаги муаммолар иқтисодчи олимлар И.Тоймухамедов, И.Алимов, Ш. Абдуллаева, Б. Бердияров, Ф. Муллажонов, З. Мустафаев, Э. Шодмонов, Ҳ. Рахимова, С. Норқобилов, О. Иминов, Қ. Наврўзова ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш даврида тижорат банкларини капиталлашув даражасига, инвестиция фаолиятига, банк муассасаларини кенгайтириш масалаларига бўлган талабларнинг ўзгариши ва бундан келиб чиқадиган масалаларни ҳал этишда банк маркетингининг аҳамияти ва вазифалари деярли ўрганилмаган. Миллий банк тизимида фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг операциялари моҳияти ва аҳамиятини комплекс тарзда ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари бажарилмаган.

**Тадқиқот мақсади.** Тадқиқотнинг асосий мақсади - Ўзбекистон Республикасида нақд пул муомаласи ва унинг ҳисобини ташкил этиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- тараққий этган мамлакатларнинг пул муомаласини ташкил этиш амалиётини такомиллаштириш борасидаги тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш;

- республикамызда нақд пул муомаласи ва унинг ҳисоби амалиётига хос бўлган тенденцияларни аниқлаш;

- нақд пул муомаласи ва унинг ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш;

- республикамызда нақд пул муомаласи ва унинг ҳисоби амалиётини такомил-лаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида “Ипотека банк” АТИБ Фарғона вилоят филиалининг фаолияти танланган.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, тижорат банкларининг нақд пул муомаласи ва унинг ҳисоби ва унда содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, сегментлаш, тизимли ёндашув, илмий абстракция ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.** Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

## **1. БОБ. Бозор муносабатларини шаклантиришда банк тизимининг ўрни ва аҳамияти.**

### **1.1. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари, тамойиллари ва функциялари**

Тижорат банкларининг юридик шахс сифатида фаолияти омонатчилар, кредиторлар, умуман, давлат ва жамият манфаатларига жиддий дахлдор бўлганлиги туфайли унинг ташкил топиши узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Шу вақт ичида бўлғуси таъсисчилар ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатилади, банк устав капитали учун зарур бўлган маблағлар тайёрланади, раҳбар шахслар, зарур ҳужжатлар тайёрлайди, тегишли текширувдан ўтказилади ва ҳоказолар.

Тижорат банкларини ташкил этиш ва тугатишнинг ҳуқуқий асослари "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунда ифодаланган. Шу қонуннинг 2-боби "Банкларни ташкил этиш ва улар фаолиятини тугатиш тартиби" деб номланиб ўз ичига 13 модда(7-19 моддалар)ни олади .

Банклар республика ҳудудида ўз фаолиятларини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширадилар.

Банкларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида", "Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қонунлари, ҳамда банкка меъёрий ҳужжатларда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

Тижорат банкларини ташкил қилиш 11 февраль 1999 йилда қабул қилинган "Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида"ги 630-сонли Низом асосида олиб борилади.

Ушбу низомда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби ҳамда шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, тижорат банклари очик ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари шаклида ташкил этилиши мумкин.

Банк ташкил этиш жараёни бир неча босқичларга бўлиниши мумкин.

1. Тайёргарлик босқичи.

2. Банкни давлат рўйхатидан ўтказиш босқичи.

Муассислар банк ташкил этиш учун дастлабки рухсатномани олганларидан кейин лицензия олиш ҳамда банкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ташкилий-техникавий талабларни бажарадилар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган дастлабки рухсатнома бир йил давомида юридик кучга эга бўлиб, муассислар ушбу вақт ичида барча ташкилий тайёргарлик ишларини амалга оширишлари ва банкни давлат рўйхатидан ўтказишни яқунлашлари лозим бўлади.

Банкни рўйхатдан ўтказиш ва банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш масаласи Марказий банк талаб қилган барча ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган кундан бошлаб бир ой ичида ҳал этилиши керак.

Банк операцияларини лицензиялашга бўлган зарурат банкни мамлакат иқтисодий тўлов қобилиятига таъсир этиши билан боғлиқ. Банк операцияларини ўтказувчи амалга ошириши ва рўйхатга олиниши лозим. Тижорат банкни ташкил этилишида унга лицензия берилгандан кейин у лицензия асосида банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади.

Банклар мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилишлари мумкин. Ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари сифатида иштирок эта оладилар. Ҳар бир акциядорнинг устав капиталидаги улуши "Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида"ги Низомда кўрсатилишича 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб устав капитали умумий миқдорининг 20 %, 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб 13% , 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб 7% дан ошмаслиги белгиланган. Шунингдек банкларнинг бошқа банклар устав капиталида иштирокига рухсат этилмайди (аммо шўъба банклар ташкил этиш бундан мустасно).

Банкларнинг акцияларини олиш қонун ҳужжатларида алоҳида кўрсатилади. Банк муассисларининг муҳим хусусиятларидан бири шундан

иборатки, банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Банк капиталнинг энг кам миқдори банкни рўйхатга олгунга қадар унинг муассислари томонидан тўланиши керак. Бу тўланиш керак бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ёки бошқа банкларда очиладиган жамғарма ҳисоб варағига ўтказилади. Банк устав капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан Тижорат Банклари капиталниш етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомда (№949-сонли, 2000 йил 25 июл) кўрсатиб берилган.

Бу низомга кўра фаолият кўрсатаётган банклар эквиваленти 2 млн. АҚШ долларидан кам бўлмаган суммада умумий капиталга эга бўлиши лозим.

Тижорат банкларининг моҳияти ва уларнинг фаолият кўрсатиш асослари улар фаолиятини ташкил қилишнинг **асосий тамойилларида** ўз ифодасини топади.

1. Тижорат банкларининг кредит ресурсларини яратишда четдан жалб қилинган ресурсларга таяниб ишлаш тамойили.

2. Тижорат банкларининг ҳақиқатда мавжуд маблағлар чегарасида хизмат кўрсатиш.

3. Банк фаолиятининг тўла иқтисодий мустақиллиги.

4. Банклар фаолиятининг тижорат тавсифи.

5. Миқдорлар манфаатини ҳимоя қилиш.

6. Банкларнинг даромадлиги ва улар фаолиятининг универсаллашуви.

Тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлар доирасида кредит

ресурсларни ташкил қилиш ва ишлаш тамойили банк фаолиятининг пойдевори ҳисобланиб, унинг депозит ва омонатлар жалб қилишга бўлган қизиқишларини оширади, пасивларни жалб қилиш бўйича рақобат муҳитининг юзага келишига асос бўлади. Ундан ташқари четдан жалб қилинган ва қўйилган маблағлар мутаносиблиги банкларда депозитларни жалб этишга қизиқишни кучайтиради ва бу маблағлардан унумли фойдаланишга асос яратади.

Тижорат банкнинг иккинчи ва асосий тамойилларидан бири бу ҳақиқатда мавжуд бўлган маблағлар чегарасида хизмат кўрсатишдир. Тижорат банки бошқа банк вакиллик ҳисоб рақамига нақд пулсиз тўловни амалга ошириш, бошқаларга кредит хизматини кўрсатиш ва вакиллик ҳисоб варағида қолган қолдиқ чегарасида нақд пуллик операцияларни бажариши мумкин. Тижорат банкларининг ҳақиқатда мавжуд маблағлар чегарасида фаолият кўрсатиши деганда, банкнинг нафақат ўз ресурс ва кредит қўйилмаларининг мутаносиблиги, балки банкнинг активлари билан унинг жалб қилинган маблағлари ўртасидаги мутаносиблигини таъминлаши тушунилади. Бунда авваламбор, пассивлар ва активлар муддатларининг бир хиллиги инобатга олиниши лозим. Бинобарин, агар банк маблағларни қисқа муддатга жалб этган бўлса ва бу маблағларни узоқ муддатли ссудаларга жойлаштиради, банкнинг мажбуриятлари бўйича тўловларни ўз вақтда амалга ошира олиши бир мунча муаммолар билан боғлиқ бўлиши, бу эса ўз навбатида банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Банк активида риск даражаси юқори бўлган ссудалар миқдорининг кўпайиши, банкнинг ресурслари ҳажмида ўз маблағлар ҳиссасининг оширилишини тақозо қилади. Шунга кўра, банк фаолиятини тартибга солувчи иқтисодий нормативларни аниқлашда банк активларининг пассивларга мутаносиб бўлишини инобатга олиш лозим.

Банк қонун доирасида ўз ресурсларидан мустақил равишда фойдаланиши мумкин, лекин унинг актив операциялари ҳажмини маъмурий тақиқлов усуллари билан чегаралаш мумкин эмас.

Маъмурий чекловлар бир марталик ва фавқулодди ҳолларда қўлланилиши мумкин. Бу чекловларни доимий тарзда қўллаш банкнинг тижорат асосларининг бузилишига олиб келади. Шунга кўра, банклар фаолиятини тартибга солиш учун иқтисодий меъёрлардан кенг фойдаланилади. Тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлар доирасида кредит ресурсларини ташкил қилиш ва ишлаш тамойили банк фаолиятининг пойдевори ҳисобланиб, унинг депозитлар жалб қилишга бўлган қизиқишини

оширади, пассивларни жалб қилиш бўйича рақобат муҳити юзага келишига асос бўлади.

Ундан ташқари жалб этилган ва қўйилган маблағларнинг мутаносиблиги тамойили банкларда депозитларни жалб этишга қизиқишини кучайтириш ва бу маблағлардан унумлироқ фойдаланишга қаратилган. Бу тамойил асосида ишлаш тижорат банкларни ликвидлигини оширишга ёрдам беради.

Учинчи тамойил бу банкнинг тўла иқтисодий мустақиллигидир. Бу тамойилга асосан банк ўз ва жалб этилган маблағлардан мустақил фойдаланиши, миждозлар ва омонатчиларни ўзи мустақил равишда танлаши, кредит сиёсатини мустақил тузиши ва амалга ошириши, фоиз ставкаларини мустақил ўрнатиши ва ўзгартириши, даромадларни мустақил равишда тақсимлаши ва бошқа фаолият турларини мустақил бажариши мумкинлиги кўзда тутилади. Банклар фаолияти тўғрисидаги амалдаги ҳуқуқий-меъёрларга асосан барча тижорат банклари ўз фонд ва даромадларидан иқтисодий жиҳатдан мустақил фойдаланишлари мумкин.

Тижорат банкнинг солиқ тўлагандан кейинги қолган фойдаси акционерларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ тақсимланади. Акционерларнинг умумий йиғилиши банкнинг ҳар турлиги фондларга ажратмаларининг норма ва миқдорини, акцияларга тўғри келувчи дивидент суммасини белгилайди.

Мажбуриятлари бўйича тижорат банки ўз маблағлари ва мол-мулки билан жавоб беради. Тижорат банки ўтказадиган операцияларнинг рискинни ўз зиммасига олади.

Учинчи тамойил асосида тижорат банк ва миждоз муносабатлари ётади, яъни банк ссуда бераётган бозор меъзонларидан даромад, риск ва ликвидлик даражаларидан келиб чиққан ҳолда беради.

Тижорат банк фаолиятини олиб боришнинг тўртинчи тамойили банк фаолиятининг тижоратлашуви бўлиб, бунда банкларнинг тижорат объекти вақтинча бўш турган пул маблағлари ҳисобланади. Бу пул маблағлари банкка

тегишли бўлмаган бўлсада, фаолияти давомида банк уларни ўз номидан жойлаштиради.

Банк тижорати кам инвестиция қилиб кўпроқ даромад олиш тамойилига асослангани учун, унинг мажбуриятларининг пассивларидаги улуши кам бўлиши керак.

Тижорат банки кредит бериш ва инвестицияларни молиялаштириш жараёнида иложи борица кўп даромад олишни мўлжаллайди.

Ундан ташқари банк фаолиятининг хавфсизлиги ҳам банк тижоратининг асосидан бири ҳисобланади. Банк ҳар доим риск билан боғлиқ фаолият кўрсатади. Банк фаолиятида риск даражаси қанча кам бўлса ва хавфсизлиги юқори бўлса, банкнинг даромади ҳам шунча кўп бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар фаолиятининг яна бир муҳим тамойили шундаки, банк иқтисодий ташкилот сифатида ўзининг капитали, даромади билан риск қилиши мумкин, лекин у мижознинг даромади ёки капитали билан риск қилиши мумкин эмас. Қисқача қилиб айтганда, банк фаолияти "ҳамма нарса мижоз учун" деган тамойилга асосланган бўлиши керак. Бу тамойил банк мижоз учун тўлалигича жавоб бериш зарурлигини билдиради, унинг даромадини таъминлайди.

Мижозлар томонидан қараганда банк ҳар доим шерик ташкилот ҳисобланади. Шериклик муносабатлари икки томоннинг ўзаро қизиқишларига ва розиликларига асосланган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги туфайли банк мижозлар манфаатини таъминлашни биринчи ўринга қўйиши лозим.

Тижорат банклари фаолиятининг кейинги тамойили бу банклар кўрсатадиган хизматлар ва операцияларнинг универсаллашуви ва диверсификацияси бўлиб, банклар фаолиятининг турли тармоқ ва соҳаларни қамраб олишини кам рисклилиқ асосида юқори даромад олишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Банклар қайси мулк шаклига асосланганлигидан қатъий назар уларнинг фаолияти юқоридаги тамойилларга асосланади.

Олдинги параграфда таъкидланганидек банклар акциядор жамият каби очик турдаги ёки ёпик турдаги акциядор банклар бўлиши мумкин. Акциядорлар сафига кириш акцияларни сотиб олиш йўли билан амалга оширилади. Ҳукукий ва жисмоний шахслар банкларнинг акциядорларини сотиб олиши ва акциядорлар бўлиши мумкин.

Баъзи тижорат банклари пайлар (бадаллар) ҳисобидан ташкил қилиниши мумкин. Бу турдаги банкларнинг катнашчилари ҳам ҳукукий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Хусусий банклар-жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ҳисобидан ташкил қилинган банклар ҳисобланади.

Бажарадиган операцияларига қараб тижорат банклар-универсал ва махсус банкларга бўлинади.

Универсал банклар хилма-хил операциялар бажариш, ҳар хил хизматлар амалга ошириш хусусиятига эга бўлади. Махсус банклар маълум йўналишларга хизмат кўрсатиб, ўз фаолиятини шу йўналишларда ютуқларга, самарадорликка эришишга бағишлайди. Бундай банкларга тармоқларга хизмат кўрсатувчи банклар, экспорт-импорт операцияларини олиб борувчи банклар, инвестиция банклари, ипотека-замин банкларини кириши мумкин.

Жойлашиш белгисига қараб тижорат банклар: халқаро, республика, минтақавий, вилоят банкларига бўлиниши мумкин.

Тармоқларга хизмат кўрсатишга қараб: саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалик, савдо ва бошқа банкларга бўлиниши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитда банкларнинг роли, уларнинг иқтисодиётга таъсири ўсиб бормоқда. Кредит муассислари, аҳоли, корхона, ташкилотлар, компанияларнинг бўш пул маблағларини йиғиш ва жойлаштиришдан ташқари, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам беради ва корхоналар фаолиятини кузатиб бориши мумкин.

Банклар ва унинг кредити ёрдамида мавжуд капитал тармоқлар ўртасида, ишлаб чиқариш ва муомала соҳаси ўртасида, тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшимча инвестицияга бўлган талабларни молиялаштириб, банклар халқ хўжалигида прогрессив ютуқларга эришишни таъминлаши мумкин.

Тижорат банкларининг иқтисодий роли унинг фаолият доирасининг кенг бўлишига олиб келади. Бу сабабли тижорат банклари қуйидаги функцияларни бажаради:

- вақтинча бўш турган пул маблағларни йиғиш ва уларни капиталга айлантириш;

- корхона, ташкилотлар ва аҳолини кредитлаш;

- иқтисодиётда ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш;

- молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш;

- иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва бошқалар.

Банклар бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни капиталга айлантириш функциясини бажара туриб мавжуд бўш пул даромадлари ва жамғармаларини йиғади. Жамғарувчи (бўш пул маблағ эгаси) ўз маблағларини банкка ишониб топширгани учун ва банк бу маблағлардан фойдалангани учун маълум фоиз ҳисобида даромад оладилар. Бўш пул маблағлари ҳисобидан ссуда капитали фонди вужудга келади ва бу фонд иқтисодиёт тармоқларни кредитлаш учун ишлатилади.

Тижорат банкининг бўш турган маблағларни жалб этиш уларни капиталга айлантириш функцияси асосий функциялардан ҳисобланиб, жалб этилган маблағлардан даромад қарз маблағларига бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади.

Банкнинг воситачилик операциялари бозор иқтисодиёти тизимини ривожлантириш борасида банк ўз фаолиятида риск ва ноаниқликнинг олдини олишга шароит яратади. Пул маблағлари банк воситачилигисиз ҳам кредитор ва қарз олувчи орасида муомалада бўлиши мумкин, ammo бу билан маблағларни йўқотиш билан боғлиқ риск даражаси ошади ва маблағларни ўз вақтида қайтариб бериш муаммолари юзага келади. Бу муаммоларнинг юзага

келиши шундан иборатки, кредитор ва қарз олувчи бир-бирови ҳақида етарли даражада маълумотга эга эмаслиги, маблағларга бўлган талабнинг таклиф билан доимо миқдоран ва бир вақтда тенг эмаслигидадир. Тижорат банклари маблағларни депозитга жалб этиши, ссуда бериши мумкин. Банк ўз активлари бўйича кенг диверсификация усулини қўллаб омонатларни қайтара олмаслик rischi даражасини камайтириши мумкин.

Иқтисодий тизимни қайта қуриш учун асосан ва биринчи галда ички хўжалик жамғармаларига таяниш лозим. Тижорат банк молия бозорига кредит ресурсларига талаб билан кирар экан, нафақат иқтисодиётда мавжуд бўлган барча жамғармаларни максимал даражада йиғишга, балки жорий истеъмолни чегаралаш билан жамғармани шакллантиришга самарали таъсир кўрсатмоғи лозим. Жамғарма маблағларни шакллантиришда тижорат банкларни депозит сиёсатининг таъсири катта. Омонатчиларга юқори фоизлардан ташқари, банк кредитларига юқори кафолат ва ишончилилик керак. Омонатларни қўйишда хавфсизлик билан бир қаторда мижоз тижорат банк фаолияти етарлича маълумотга эга бўлиши ва бу билан у банкни молиявий аҳволига баҳо бера олиши мумкин.

Тижорат банклар фаолиятида асосий ўринни корхона, ташкилотларни, аҳолини ва турли субъектларни кредитлаш эгаллайди. Кредитлаш жараёнини ташкил қилишда банк молиявий воситачи ролини ўйнайди. У бўш турган маблағларни жалб қилади ва ўз номидан мижозларга вақтинча фойланишига беради. Банк кредити ҳисобидан иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари-саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқалар молиялаштирилади ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос бўлади.

Тижорат банклари шартнома асосида бир-бирларининг маблағларини депозит, кредит шаклида жалб этишлари, жойлаштиришлари, ўз уставларида кўрсатилган бошқа ўзаро операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Мижозларга кредит бериш ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш учун маблағ етишмай қолган тақдирда тижорат банклари кредит ресурслари олиш учун Марказий банкка мурожат қилишлари мумкин.

Тижорат банклари операциялари бўйича фоиз ставкалари уларнинг ўзлари томонидан мустақил белгиланади. Аммо бу ставкалар давлат пул-кредит сиёсатининг бош йўналишларида белгилаб бериладиган фоиз ставкалари сиёсатига асосланган бўлиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қимматли қоғозлар бозорининг яхши тараққий этмаган босқичларида иқтисодиётда мавжуд бўлган асосий молиявий ресурслар банкларга омонатларни жалб қилиш орқали амалга оширилади.

Банкларнинг кейинги функцияси бу мустақил субъектлараро тўлов операцияларини амалга ошириш функциясидир. Режали иқтисодиёт даврида барча тўловлар бир давлат банки орқали амалга оширилган, ҳисоб-китобларни бундай тизимида тўловларни амалга оширишда давлат ўзи кафил бўларди. Мустақил тижорат банк тизимини шакллантириш ҳисоб-китоб тизимини ажралишига олиб келади ва банклар ўз зиммаларига оладиган риск даражасини кўпайтирди. МФО ҳисоб варақаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ўрнига банклараро ҳисобнинг корреспондент счетларга ўтиши ҳам риск даражасини кўпайишига олиб келди. Бундай шароитда тижорат банклар миқдорлар ҳисоб-китоблар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишилиши бўйича масъулдир.

Бозор иқтисодиётига асосланган барча мамлакатларда тижорат банклар иқтисодиётининг тўлов механизмида етакчи ўрин тутди.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тўловларни амалга оширишни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш орқали мамлакатимиз тўлов тизимида тижорат банкларнинг ўрни кенгаймоқда.


Ундан ташқари тижорат банклар молия-валюта бозорида фаолият кўрсатиш, яъни қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни жойлаштириш, сотиб олиш билан шуғулланиши, миқдорларга ҳар хил ахборотлар, маслаҳатлар бериш билан шуғулланиши мумкин.

Тижорат банклари юқорида келитирилган функциялари асосида қуйидаги операцияларни бажаради:

- пассив операциялар;
- актив операциялар;
- банк хизматлари ва воситачилик операциялари;
- банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялари ва бошқа турдаги операцияларни бажарадилар.

## 1.2. Ўзбекистон Республикасида банк тизимининг ривожланиши ва ҳозирги кундаги аҳволи

Дастлабки банклар қачон ва қандай пайдо бўлганлигини аниқлаш анча қийинчилик туғдиради. Гап шундаки, ҳозирги даврда банклар фаолияти хусусиятидан келиб чиқиб турлича бўлган операцияларни бажарувчи универсал молиявий ташкилотларни ўзида намоён қилади. Масалан, биринчи даражали тоифага кирувчи чет эл банклари ўз миқдорларига 300 дан ортиқ турли хил хизматларни кўрсатадилар. Бу операцияларнинг ва хизматларнинг барчаси бир вақт ва бир жойда пайдо бўлмаганлиги сабабли ҳам банк ишининг "бошланғич" нуқтасини аниқлаш аниқ тадқиқодлар олиб боришни ва улар асосида маълум бир фикрларни мужассамлаштиришни талаб қилади. Банкларнинг пайдо бўлиши тарихи бўйича баъзи бир фикрлар тўғрисида сиз тушунчага эгасиз. Банк иши ривожланишини банкнинг алоҳида операциялари миқёсида кўриб чиқадиган бўлсак, банк ишининг тарихий ривожланиши қуйидагича борганини кўришимиз мумкин:



Банклар фаолиятининг энг "қадимги" операциялари бўлиб, пулларни сақлаб бериш бўйича операциялар ҳисобланади. Маълумки, энг қадимги давлатларда ҳам омонатларни қабул қилиш операциялари мавжуд бўлган. Илк бор бундай иш билан маълум обрўга ва ишончга эга бўлган пулдор шахслар, Европа мамлакатларида черков муассасалари шуғулланганлар. Масалан,

тарихан машхур грек эҳромлари (масалан, Дельфия, Эфес эҳромлари) бир пайтнинг ўзида ўзига хос банк муассасалари бўлиб хизмат қилишган. Йиллар ўтиши билан ўша қадимги даврлардан бошлаб айрим ҳолларда қўйилган пул ёки мулк бўйича фоизлар ҳам ҳисобланган. Банкларнинг келиб чиқишига бағишланган мавжуд адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, банкларнинг пайдо бўлишининг асосий ёки бошланғич замини биринчидан, пул маблағларини сақлаб бериш бўлса, иккинчидан, пул маблағларини алмаштириб беришдан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

Пул айирбошлаш бўйича эҳтиёж алоҳида пайдо бўлган. Бунда Европани ёрқин мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўрта асрларда тангаларнинг ягона тизими мавжуд бўлмаган. Савдо турли мамлакатлар, шаҳарлар, ҳатто алоҳида шахсларнинг тангалари орқали олиб борилган. Барча тангалар турли вазн, шакл ва номиналга эга эдилар. Шунинг учун тангалар билан шуғулланувчи ва айирбошлашни олиб бора оладиган мутахассислар ўз айирбошлаш столлари билан қизгин савдо кетаётган жойларга жойлашишган. Шу боис, "банк" сўзи итальянча "Банко" - айирбошловчининг олдидаги стол деган маънони англатувчи сўздан келиб чиққан. Бунга ўхшаш операциялар бундан анча аввалги даврларда қадимги Греция, Рим, Шарқда амалга оширилган эди.

Пулни сақлаш ва айирбошлаш бўйича операциялар билан шуғулланувчи шахслар йиғилган бойликлар-пуллар самарасиз, ҳаракатсиз ётганини тушунишар ва агар мавжуд маблағларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини бўлса ҳам вақтинчалик фойдаланишга берилса, сезиларли фойда олиш мумкинлигини билишар эди. Шундай қилиб, асосида пулларни маълум муддатга қайтариш ва фоиз тўлаш шартлари билан бериш ётган ссуда (кредит) операциялари пайдо бўлган. Бунда гаров сифатида уйлар, кемалар, қимматбаҳо буюмлар, чорва моллари, қуллар қабул қилинган.

Бир банкир, аниқроғи пулни сақлаб берувчи хизматларидан бир-бири билан ўзаро ҳисоб-китоблар билан боғланган бир неча шахслар фойдаланиш мумкин бўлгани учун, аста-секин мижозларга ҳисоб-китоб хизматини

кўрсатиш операцияларига эҳтиёж пайдо бўла бошлади. Даставвал улар куйидагича амалга оширилар эди. Ҳар бир омонатчи пулни сақлаб берувчида унинг исми ёзилган жадвал шаклидаги ўз ҳисоб варақасига эга бўлган. Бу жадвалда пулларнинг ҳаракати (кирим ёки чиқим) акс эттирилар эди. Бутун операцияни пулни сақлаб берувчи-банкир омонатчининг оғзаки ёки ёзма буйруғи билан амалга оширар эди. Бунда мос ўзгаришлар ўзаро ҳисоб китобларда иштирок этувчи шахслар жадвалларига киритилар эди. Бу энг содда хизматлар нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг дастлабки шакллари ташкил қилган.

Барча юқоридаги операциялар дастлаб алоҳида мавжуд бўлган ва кейинчалик улар биз банк деб номлашга одатланган бир хил ташкилотлар чегараларида бирлашганлар. Ғарбий Европада оддий айирбошлаш идораларидан банк уйларига ўтиш жараёни 16-17 асрларда рўй берди.

Кўпчилик иқтисодчилар банк моҳиятини ссуда (кредит) операцияларида кўришга мойилдирлар.

Замонавий иқтисодий муҳит банклар фаолиятида мавжуд муаммоларнинг олдини олиб, мамлакатимизда банк ишини самарадорлигини ошириш асосида халқаро банк амалиётига мос келувчи банк тизимини яратишни тақозо этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва қатор бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, банкларнинг молия бозоридаги воситачилик ролини фаоллаштириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, фаолиятини жаҳон банк амалиётига яқинлаштириш ва пировард натижада рақобатбардошлигининг юқори даражасига эришиш 2002-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш дастурининг стратегик мақсади ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар кандай иқтисодий ҳаракатга келтирувчи куч унинг тармоқларидир. Демак, ҳар кандай катта иқтисодий тараққиётга йўналтириш ҳам биринчи навбатда унинг тармоқларидан бошланади. Булар эса – банклар ва умуман, банк тизими.

Мустақилликдан сўнг вужудга келган иқтисодий шуни кўрсатдики, банк ва замонавий банк тизимисиз танланган йўлдан, яъни бозор иқтисодиёти шароитида “оёққа туриш” қийин. Ўша пайтларда бошқа собиқ совет давлатлари каби Ўзбекистон ҳам ўз иқтисодий йўналишини белгилаб олиши зарур эди. Бу танланган йўлнинг мустаҳкамланишида эса банкларнинг аҳамияти катта эканлигига гувоҳмиз.

Ҳозирги кунда, Республика бўйича 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига 33 тижорат банклари ва уларнинг 806 та бўлинмалари фаолият юритиб келмоқда. Тижорат банклари тизими 12 та хусусий, 5 та хорижий капитал иштирокидаги, 3 та давлат ва 13 та аралаш мулк шаклидаги банкларини ўз ичига олади. Кредит уюшмаларининг сони эса бугунги кунга келиб 7 тага кўпайди ва 14 тани ташкил қилди. Бу рақамларни ўн йил олдингилари билан солиштирадиган бўлсак, банк тизимининг ривожланиш даражасига баҳо бериш мумкин.

Банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича ЎЗМБ томонидан амалга оширилган чоралар тижорат банкларининг номинал қийматдаги активларини 38,2% кўпайишига хизмат қилди.

Биринчи навбатда кичик ва хусусий тадбиркорликка берилаётган банк кредитлари 2,3 мартага ошди. Тармоқлар доирасида таҳлил қилинганда банк тизими кредитларнинг катта қисми 60% саноатни ривожлантириш мақсадлари учун берилди, транспорт ва алоқага эса 13,7%, моддий техника таъминотига 4,8%, савдо ва умумовқатланишга 3,3% йўналтирилди ҳолос.

Юқорида келтирилган маълумотларга қараганда банк кредит операциялари асосан оғир саноат ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликка йўналтирилганлигини кўриш мумкин. Шу ўринда, бошқа соҳаларни ривожлантиришдаги банкларнинг улуши унчалик катта эмаслиги ҳам аён. Бу

эса кўпчилик учун иқтисодиёт “моторлари”<sup>2</sup> фақат даромадли, яъни кредит учун маълум бир процентлар олиш мумкин бўлган соҳаларга жалб этилган эмасми деган саволларни туғдириши мумкин. Булар республикамизда мавжуд банк тизимининг “ютуқлари” сифатида кўпчилик томонидан баҳоланиши шубҳасиздир... Мен келажакда ўз олдимга қўйган мақсадларим мазкур соҳани чуқур ўрганиш, айниқса ички бозордаги кичик ва ўрта бизнесга банклар орқали кўмаклашишнинг янги методлари ва мавжуд бўлган системани ривожлантириш кабилардан иборат. Иқтисодиётнинг айти шу йўналишини ривожлантириш орқали ички бозорни етакли даражада таъминлаш мумкин. Бу эса, иқтисодий назарияга кўра импорт молларини камайтиришга олиб келади ва ҳ.к.з.

2009 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ҳукуматимиз томонидан 2009 – 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастур доирасида банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўзининг ижобий самарасини берди.

Банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида, сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайиб, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 3 трлн. 10 млрд. сўмга этди<sup>3</sup>. Биргина 2009 йилнинг ўзида этакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.<sup>4</sup>

“Давлат тижорат Халқ” банкининг устав капитали 130 млрд. сўмга; “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 110 млрд. сўмга; “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 150 млрд. сўмга; “Агробанк” акциядорлик-тижорат банкининг

---

<sup>2</sup> Банклар назарда тутилган.

<sup>3</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

<sup>4</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

устав капитали 100 млрд. сўмга; “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 90 млрд. сўмга; “Асака” давлат акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 300 млрд. сўмга этказилди. Шунингдек, давлат-тижорат Халқ банкининг устав капиталини 2009-2012 йилларда 200 млрд. сўмга, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик-тижорат банкининг устав капиталини 150 млрд. сўмга этказиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Банклар устав капиталига хусусий капитални жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида «Тошкент» РФБнинг листингига киритилган банклар сони 18 тага этди ва 2009 йил давомида уларнинг 17,4 млрд. сўмлик акциялари бевосита фонд биржасида инвесторларга сотилди.

Хусусан, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига банклар капиталининг этарлилик даражаси 23 фоиздан юқори даражани ташкил этди ва бу банклар назорати бўйича Базел қўмитаси томонидан белгиланган халқаро меъёрдан қарийб 3 баробарга кўпдир.



1-расм.<sup>5</sup>Тижорат банклари капиталининг ўсиш динамикаси.

Ҳозирги пайтда умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Фитч Ратингс», «Моодйъс инвесторс сервисе», “Стандарт & Поорс” каби нуфузли халқаро


<sup>5</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

рейтинг компанияларининг “барқарор” рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди<sup>6</sup>.

Банк тизими барқарорлигининг асосий омилларидан бири банк тизимининг ликвидлиги ҳисобланади. Ҳозирги пайтда банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятлардан 10 баробар кўпдир. Бу эса республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилганлигидан далолат беради.

Айни пайтда банк тизимининг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисобварақларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу депозитларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди.

Натижада, фақат 2009 йилнинг ўзида аҳолининг кредит ташкилотларидаги омонатлари миқдори 1,7 баробар ошиб, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 2914 млрд. сўмни ташкил этди.



2-расм.<sup>7</sup> Кредит ташкилотларида аҳоли омонатлари қолдиғи динамикаси

Банклар капитали ва депозитларининг юқори суръатларда ўсиши, ўз навбатида, уларнинг иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-


<sup>6</sup> [www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz)

<sup>7</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

қувватлашдаги иштирокини фаоллаштиришга, банк активлари ва кредит қўйилмалари ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилди.

Жумладан, банкларнинг жами активлари 2009 йилда 30 фоизга ошиб, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига 15 трлн. 703 млрд. сўмни ташкил этди.

Банклар томонидан реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиғи 2009 йилда 34,3 фоизга ошиб, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 8 трлн. 558 млрд. сўмни ташкил этди. Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга этди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди.



3-расм.<sup>8</sup>Кредит ташкилотлари жами активларининг қолдиғи динамикаси

Шу билан бирга, банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгарди. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилга келиб, банкларнинг жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди.

<sup>8</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

Бошқача қилиб айтганда сўнгги 10 йил ичида иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдрок кўпайди.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига, тадбиркорлик субъектларига ва аҳолига кредитлар ажратиш, инвестициялаш хажмларини ошириш билан бир каторда банклар томонидан уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш ва замонавий банк хизматларини жорий этиш борасида ҳам тегишли ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги пайтда республикада 31 та тижорат банки фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 3 таси давлат-тижорат банки, 13 таси акциядорлик-тижорат банки, 10 таси хусусий банк ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар ҳисобланади. Ушбу банкларнинг республика ҳудудларида 810 та филиали самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083-сонли қарорига асосан қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида “Ғаллабанк” акциядорлик-тижорат банки негизида “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартда ПҚ-1084-сонли қарорига мувофиқ иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳаси субъектларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, замонавий қайта ишловчи корхоналарни жадал барпо этиш, ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида “Пахтабанк” акциядорлик-тижорат банки “Агробанк” акциядорлик тижорат банкига айлантирилди.

Бундан ташқари, Жанубий Кореянинг “Шинхан” банки ваколатхонаси очилди ва 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра йирик хорижий банкларнинг республикамиздаги ваколатхоналари сони 8 тага этди.

Республика ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларида банк инфратузилмасини янада кенгайтириш орқали аҳолига ва фермер хўжаликларига кўрсатилаётган банк хизмат турларини кўпайтириш, уларга банк хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш ҳамда банклар ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтириш мақсадида, 2009 йилда қўшимча 157 та, шу жумладан қишлоқ жойларда қўшимча 113 та мини-банклар ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 2 318 тага, шу жумладан, қишлоқ жойларида 1605 тага этди.

Шу билан бирга, мижозларга касса хизматларини кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида ташкил этилган махсус кассалар сони бир йил давомида 221 тага ортиб, 2010 йил 1 январ ҳолатига кўра 1632 тани ташкил этди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга оид чора-тадбирлар доирасида амалдаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштириб борилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ-1090-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда “Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом” ишлаб чиқилди.

Ушбу Низомга биноан терминал ўрнатилиши мажбурий бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари назорат-касса машиналарини ўрнатиш ва фойдаланиш тартиби, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ҳолатларига тенглаштирилди ҳамда улар зиммасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик юклатилди.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида, 2009 йилда банклар томонидан қўшимча 1 млн. 544 минг дона пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, уларнинг умумий сони 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 6 млн. 59 минг донага этказилди. Шу билан бирга, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар сони 2009 йил давомида 33 минг 127 тага ошиб, йил охирига келиб 60 минг 631 донани ташкил этди. Пластик карточкалар билан амалга оширилган тўловлар миқдори ўтган йилда 2008 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайди<sup>9</sup>.

Шунингдек, 2004 йилдан бошлаб Марказий банк ҳузурида ташкил этилган Кредит ахбороти миллий институти томонидан қарз олувчиларнинг кредит тарихи ва банклараро ахборот алмашинуви тизимининг самарали ишлаши таъминланмоқда. Бу тизим аниқ вақт режимида ишлаб, унга барча банк филиаллари боғланган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кредит талабномаларини кўриб чиқишда ушбу тизимдан мажбурий равишда фойдаланилади.

Бу эса, кредитлаш жараёнидаги маълумотлар номуносиблиги, нотўғри қарор қабул қилинишининг олдини олишга ва шу орқали банк тизимида кредит таваккалчилигини камайтириш ҳамда банкларнинг кредит портфели сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

### **1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида банк тизимида амалга оширилган ишлар**

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли ва 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли Фармонлари талабларига мувофиқ банклар томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, хусусан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди.

---

<sup>9</sup> Ekonomicheskoe obozrenie. 1,2,4 sonlar. 2010 yil

Хусусан, жаҳон бозорида айрим маҳсулотлар нархлари ва уларга бўлган талабнинг пасайиши ҳисобига молиявий қийинчиликларга дуч келган маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида, уларга айланма маблағларини тўлдириш учун 2009 йилда умумий миқдори 233 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилишга қаратилган ишлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим рол ўйнади.

Жумладан, мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами банкрот деб эълон қилинган 240 та корхонадан 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди.

Тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Мазкур корхоналарда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда ушбу корхоналарни потенциал инвесторларга сотиш мақсадида банklar томонидан 57,5 млрд. сўмлик инвестициялар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига асосан, 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва фаолиятини тиклаш билан боғлиқ тадбирларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, уларга

бир қатор солиқ ва кредит имтиёзларининг берилиши ушбу соҳанинг янада ривожланишига имкон яратди.

2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 50 фоизга ошиб, 1 трлн. 852 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу кредитларнинг 322,1 млрд. сўми кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар бўлиб, бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 1,6 бараварга кўпдир.

Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларининг сони 2009 йилда 16,3 мингтага ўсиб, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 196,5 мингтага этиб, улар томонидан ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизи ишлаб чиқарилмоқда.

Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганининг самарасидир. 2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизгача пасайтирилди, якка тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди.

Шунингдек, кичик бизнес соҳасида аҳоли бандлигини янада ошириш борасида аҳамиятга молик ишлар бажарилди. Жумладан, 2009 йилда кичик бизнесда иш билан банд бўлганларнинг жами иш билан банд бўлган аҳоли таркибидаги улуши 74,8 фоизга этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш дастури тўғрисида” 2007 йил 8 июндаги 114-сонли қарорига асосан Марказий банк томонидан республика ҳудудларида микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ва кредит уюшмалари тизимини ривожлантириш, аҳолининг кенг қатламларига микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2009 йилда Марказий банк томонидан 26 та кредит уюшмаси, 6 та микрокредит

ташкilotи ва 14 та ломбардларга фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилди.

Натижада, республика бўйича нобанк кредит ташкилотларининг умумий сони 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 183 тага этиб, шундан, кредит уюшмалари 103 тани, микрокредит ташкилотлари 32 тани ва ломбардлар 48 тани ташкил этди.

2009 йилда кредит уюшмалари хизматидан фойдаланувчилар, яъни уларнинг аъзолари сони 53,4 мингтага ёки 54 фоизга ортиб, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 153,1 мингтага этди.<sup>10</sup>

Ўтган йилда кредит уюшмаларининг капитали қарийб 2 баробарга, жалб қилинган депозитлари миқдори 1,9 баробарга, улар томонидан ажратилган кредитлари миқдори 1,8 баробарга ортди. Натижада, кредит уюшмаларининг жами активлари миқдори 212,1 млрд. сўмни, капитали 48,8 млрд.сўмни, депозитлари миқдори 151,3 млрд. сўмни ва ажратилган кредитлар қолдиғи 184,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

Шунингдек, 2009 йилда ломбардларнинг активлари 114 фоизга ошиб, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 3 863 млн. сўмни, кредит қўйилмалари қолдиғи 113 фоизга ошиб, 3 212 млн. сўмни, капитали эса 120 фоизга ошиб, 3 524 млн. сўмни ташкил этди.

2010 йилда банк тизимининг устувор вазифалари Инқирозга қарши чоралар дастурида жорий йилга белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, қўшимча равишда банк акцияларини муомалага чиқариш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш, банк инфратузилмасини янада ривожлантириш, тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдаги фаоллигини янада кучайтиришдан иборат бўлади.

---

<sup>10</sup> Bozor, Pul va Kredit jurnali, 132-son 2009 yil 16-19 betlar

Ўз навбатида Марказий банкнинг фаолияти банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади. Кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади.

Тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини янада кенгайтириш, экспорт қилувчи корхоналарни ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилади, хусусан:

Иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида тижорат банкларининг ушбу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларни йирик инвестиция институтларига айлантириш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Юқорида таъкидланган вазифанинг иқтисодий ривожлантиришнинг юқори ва барқарор суръатларини таъминлашдаги аҳамиятидан келиб чиқиб, тижорат банкларининг фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартирилади. Бунда уларнинг иши узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳоланади.

тижорат банкларининг янги корхоналарни барпо этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда қишлоқ жойларида якка тартибдаги уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ инвестицион фаолияти янада кучайтирилади. Бу мақсадда тижорат банкларида:

- инвестицион лойиҳалар ҳужжатларини, айниқса уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаши ва рентабеллигини чуқур таҳлил қилиш асосида пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш;

· таваккалчилик, гаровлар ва бошқа таъминот турларининг бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, берилган инвестицион кредитларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилишини таъминлайдиган ишончли механизмлардан фойдаланишни кенгайтириш;

2010 йилда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан банклар томонидан 3,2 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиши прогноз қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1,4 трлн. сўм миқдорида, қишлоқ жойларида яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан 250 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда;

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялаштиришда банкларнинг ролини кучайтириш бўйича ишлар давом эттирилади. Мазкур соҳага 2010 йилда ўтган йилга нисбатан кредит ресурслари миқдорини 1,4 баробарга кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини эса 1,3 баробарга ошириш кўзда тутилмоқда.<sup>11</sup>

“Баркамол авлод йили” дастури доирасида белгиланган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2010 йилда тижорат банклари томонидан 3,3 трлн. сўмлик кредит маблағларини йўналтириш мўлжалланган.<sup>12</sup>

Тижорат банкларининг ресурс базасини ва банк инфратузилмасини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар доирасида:

2010 йилда тижорат банкларининг умумий капиталини қўшимча акцияларни фонд биржасида жойлаштириш орқали камида 20 фоизга ошириш, яқин икки йилда эса унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажмини 10 фоизга этказиш;

---

<sup>11</sup> O'zbekiston Iqtisodiyoti -T.:Toshkent, 2010

<sup>12</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)

банклардаги аҳоли маблағлари ҳажмининг бир маромда ўсиб боришини таъминлаш ва доимий равишда янги жозибадор омонат турларини таклиф этиб бориш, хусусан 2010 йилда аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли депозитларига жалб этишни камида 30 фоизга кўпайтириш ва бу йўналишда банклараро рақобатни янада кучайтириш;

тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш учун тижорат банклари томонидан 2009-2010 йилларга мўлжалланган, юридик шахслар ўртасида жойлаштириладиган 200 млрд. сўмдан кам бўлмаган ҳажмдаги узоқ муддатли облигациялар чиқаришни яқунлаш;

нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш кўламини ва сифатини ошириш билан боғлиқ ишларни давом эттириш, аҳолининг пластик карточкалар орқали муомала қиладиган депозитларининг сонини ошишини рағбатлантириш;

қишлоқ жойларида банк хизматлари сифатини ошириш ва ҳажминини кенгайтириш, хусусан мини-банклар ва махсус кассалар фаолиятини такомиллаштириш орқали банк хизматларидан фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш, банк тузилмалари сонини янада кўпайтириш;

якка тартибдаги баҳолаш миллий рейтингига ва халқаро рейтинг компанияларининг рейтингларига эга бўлиш борасидаги ишларни давом эттириш;

ҳисобварақ эгасига маълумот олиш ва банк ҳисобварағини электрон алоқа орқали реал вақт режимида бошқариш имконини берувчи замонавий дастурий маҳсулотлар ва технологияларни жорий этиш ҳамда тўлов инструментлари, маълумотларни қабул қилиш, назорат ва қайта ишлаш тартибини халқаро тажрибага мослаштириш йўли билан тўловлар ва пул

ўтказмаларини амалга ошириш қоидаларини такомиллаштириш ишлари амалга оширилади.<sup>13</sup>

Банкларда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки у банкларнинг уз функцияларини тўғри бажаришини таъминлайди. Бунинг учун эса бухгалтериядан маълум даражада билимлар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг асосий тамойиллари ва услубий асослари тўғрисида маълум даражада тушунчага эга бўлишни жалб этади.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ўрганаётган талабалар энг аввало унинг корхоналар, бюджет ва бошқа кредит муассасаларидан юритиладиган бухгалтерия ҳисобидан туб фарқларини тушунишлари зарур.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби энг аввало узининг оперативлиги билан ажралиб туради. Чунки соат 16 гача операцион кун мобайнида амалга ошириладиган операциялар уша кунёк клиентларнинг аналитик ҳисобидаги шахсий счетларда акс эттирилади ва кундалик баланс орқали умумлаштириш усули билан назорат қилинади. Бу пул маблағларининг сакланиши, кундалик пул обороти ва ҳисоб-китоб кредит муносабатларининг ҳолати, касса режасининг бажарилишини назорат қилиш имкониятини бериш билан биргаликда пул муомаласи ва кредит ресурсларининг оборотини тартибга солишни таъминлайди.

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг объектлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

юридик ва жисмоний шахслардан пул ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш;

ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш;

уз муддатида кайтарилмаган банк кредитларини ҳисобини юритиш;

муддатли Мажбуриятларнинг ҳисоби;

банклараро операциялар бўйича ва филиаллараро оборотлар ҳисоби;

тўрли пунктлардаги тўловчи ва олувчиларнинг маблағлари ҳисоби;

---

<sup>13</sup> O'zbekiston Iqtisodiyoti -T.:Toshkent, 2010

берилган кредитлар ҳисоби.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг объекти бўлиб асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар, арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, кассадаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар, қимматли материаллар, чет эл валюталари ва улар билан амалга ошириладиган операциялар; Бюджет билан бўладиган ҳисоб-китоблар, капитал кўйилмаларни молиялаштириш, банкнинг даромадлари ва ҳаражатлари ва бошқалар.

Тижорат банкларида касса операцияларини бажариш учун ишлатиладиган барча нақд пуллар банкнинг операцион кассаси дейилади.

Кассир томонидан нақд пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиш ва бериш бўйича операциялар ҳисоб операцион бўлими иқтисодчисининг тегишли касса ҳужжатлари билан расмийлаштирилган фармойишларига асосан амалга оширилиши зарур. Ҳисоб-операцион бўлим иқтисодчиси касса операцияларининг расмийлаштирилиши қонунийлигини текшириб, ҳужжатларга имзо қўяди, уларни касса журналларида қайд қилади ва кассирга беради.

Операцион куннинг бошланишида кассирлар касса мудиридан бўнак сифатида маълум миқдордаги нақд пулларни олишади. Керак бўлган ҳолларда операцион кун давомида қўшимча суммаларни олишлари мумкин. Касса қирим ва чиқим операциялари амалга оширилиб бўлгандан сўнг, касса қолдиғи чиқарилади, сўнгга бухгалтерия ва кассада қолдиқ чиқарилиб солиштирилади. Касса ва бухгалтерияда қолдиқ бир хил бўлиши керак. Шундан сўнг улардаги пул қолдиғи, касса ҳужжатлари ва кассирлар томонидан тузилган кунлик операциялар тўғрисидаги маълумотлар касса мудирига берилади. Пул маблағлари ва бошқа қимматликларнинг бўнак сифатида берилиши ёки кассирда қолган қимматликларнинг қайтарилиши кассирларнинг ва касса мудирининг китобларида акс эттирилади.

Банк омборида пуллар ва қимматликларни ҳисобга олиш учун "Омборда қимматликларни ҳисобга олиш китоби" юритилади. Ушбу китобда банк омборида сақланаётган нақд пуллар, қатъий ҳисобдаги бланкалар,

қимматликларнинг ҳаракати акс эттирилади.

Касса операцияларининг синтетик ҳисоби "Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси" нинг I-бўлимидаги 10100- "Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари" - актив баланс ҳисобварағида, қўйидаги иккинчи тартибли баланс ҳисобварақлари бўйича юритилади:

10101 - Айланма кассадаги нақд пуллар;

10103 - Пул алмаштириш шаҳобчаларидаги нақд пуллар;

10105 - Чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари;

10107 - Банкоматдаги нақд пуллар;

10109 - Йўлдаги пуллар;

10111 - Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар.

Қабул қилинган нақд пулларни мижознинг ҳисоб варағига кириш қилиниши кириш касса журнаliga асосан қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

ДТ 10101 Айланма кассадаги нақд пуллар

КТ 20200 Мижознинг талаб қилиб олинган депозитлари ҳисобварағи ёки мижознинг бошқа тегишли депозит ҳисобварақлари.

Аналитик ва синтетик ҳисоб маълумотлари олиниб, улар таққослангандан кейин мижознинг ҳисобварағидан кўчирма билан бирга ордер мижозга берилади, яъни банкка қўйилган нақд пуллар бўйича мижоз иккита ҳужжат олади - қвитанция ва ордер. Ордер мижозлар томонидан банкка пулларнинг тушиши ва уларнинг ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган ёзувларнинг тўғрилигини текширишни таъминлайди.

Нақд қўйилмаларга эълон кассирда қолади ва амалиёт куни охирида бошқа ҳужжатлар ва қимматликлар билан бирга касса мудирига берилади.

Нақд пулларни банк кассасига қўйиш бўйича баъзи бир операциялар кириш касса ордерлари билан расмийлаштирилади.

Жисмоний шахсларнинг омонатларини кириш қилиш, банк ходимлари

томонидан сафар харажатлари учун олинган бўнак (аванс)нинг ишлатилмаган қисмини кирим қилиш ва бошқалар.

Тижорат банкларининг чиқим касса операциялари деб банк кассаларидан нақд пулнинг берилиши билан боғлиқ операциялар тушунилади. Корхона ва ташкилотлар ўз ишчи ходимлари учун иш ҳақи, пенсия, стипендия, бошқа нафақалар, мукофотлар, хизмат сафари учун нақд пул олиши мумкин.

Корхона ва ташкилотлар банкдан юқорида санаб ўтилган мақсадларга нақд пул олиш учун пул чеки расмийлаштиришлари лозим, лекин бундан аввал корхонага янги ҳисоб варақ очилаётган вақтда банкка пул-чек дафтарчаси олиш учун ариза топширишлари лозим. Аризада банк номи ва коди, корхона номи, унинг талаб қилиб оладиган депозит бўйича ҳисобварақ номери, чек дафтарчасининг номи, сони, ариза расмийлаштирилган сана кўрсатилади. Аризага корхона раҳбари ва бухгалтернинг имзоси ҳамда муҳр кўйилади. Банк корхонанинг аризасига асосан пул-чек дафтарчаси ёзиб, ҳар бир варақда банк номи, унинг коди, корхона номи, унинг банкдаги ҳисобварақ номерини кўрсатади ва мижозга беради. Чек дафтарчасининг чеклари банкдан нақд пул олиш учун асос бўлади. Иш ҳақи олишдан бир кун аввал чек расмийлаштирилиб, мижоз томонидан паспорти билан биргаликда уларга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочига берилади. Масъул ижрочи энг аввал шу ташкилотнинг ҳисобрақамида етарли пул миқдорини борлигини текшириб, шундан сўнггина чекнинг тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлигини иккита имзо ва муҳрнинг имзолари ҳамда муҳр намунаси туширилган карточкалар билан солиштириб кўради. Ҳаммаси тўғри бўлса чекнинг бурчагидаги назорат маркасини қирқиб олиб, паспорт билан бирга мижозга қайтариб беради. Назоратчи яна бир бор текширув ўтказиб сўнг реквизитларни касса чиқим журнаliga қайд қилади.

Кун охирида назоратчи ва кассир бажарган операциялари бўйича ҳужжатларни ўзаро солиштириб бошқариш ҳисоб марказига топширадилар. Ҳисоб марказидан ҳужжатлар асосида мижознинг шахсий ҳисобварақлари

чақириб берилади. Бу операциялар бўйича қўйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади:

ДТ 20200 корхоналарнинг талаб қилиб олинадиган депозит бўйича ҳисоб варағи;

КТ 10101 банк кассаси.

Шахсий ҳисобварақдан кўчирма миқдорга топширилади, шахсий ҳисоб варақ банкда алоҳида папкаларда тикилади.

Тижорат банкларида касса операциялари нақд пулларнинг кими ва чиқими бўлиб, бунда нақд пулларнинг банк кассасига қандай ҳолларда олиб келтирилиши, ҳамда чиқим қилиниши тартиби, уларни ҳужжатлар билан расмийлаштиришини ўз ичига олиувчи жараёнлардан иборат. Банк ходимлари томонидан уларга юклатилган масъулият ва банк ходимлари томонидан касса операцияларининг ҳисобини юритишга қўйилган талаблар, ҳамда касса операцияларини ҳисобини юритишга оид тартиблар асосида амалга оширилади.

## **2-БОБ. «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилоят филиалининг нақд пул муомаласини ташкил этиш бўйича операциялари таҳлили.**

### **2.1. «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилоят филиали фаолиятининг асосий йўналишлари**

«Ипотека-банк» АТИБ Фарғона филиали 2011 йил давомида кўп тармоқли ривожланган филиал бўлишни ўз олдига стратегик мақсад қилиб қўйган. Филиал «Мижоз банк учун эмас, балки банк мијоз учун» тамойилида иш юритиб келмоқда. Буни ўз мијозларимиз учун яратиб берилган турли хизматлар ва имкониятлар қўламида қўриш мумкин. Шу билан бирга филиал корпоратив ва хусусий сектор мијозларига таклиф этилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, мавжудларини мукаммаллаштириш, кенгайтириш борасида ишларни олиб бормоқда. Филиал мијозларга хизмат кўрсатиш бўйича турли имтиёзлар ўрин олган стратегик сиёсатга амал қилади. Мијозлар учун имтиёзларнинг мавжудлиги, кейинги йилларда вилоятимиз банклари ўртасида кучли рақобат юзага келганидан далолат беради. «Ипотека банк» АТИБ Фарғона вилояти филиали мана шу рақобатга бардош бера олиши учун мијозларга турли хил хизматларни таклиф этиб, уларни юқори сифатли бажариш, мијоз учун курашиш каби ишларни анча кучайтирди. Бу борада келажакда филиал янада юқори савияда иш олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қўқон шаҳар инфраструктурасини ва архитектуравий кўринишини тубдан яхшилаш чоратadbирлари тўғрисида» ПК-1239-сон қарори ижросини бажарилиши юзасидан талайгина ишлар амалга оширилди. Жумладан: Қўқон шаҳар А.Навоий ва У.Носир кўчалари кесишмасида «Ипотека банк» АТИБ Қўқон филиали куриб битказилиб, ўз фаолиятини бошлади, бугунги кунда вилоятимиздаги иккита филиал банк хизматларини юридик ва жисмоний шахсларга кенг доирада кўрсатиб келмоқда.

Айни пайтда мавжуд 4 та минибанклар тармоғи билан бирга қўшимча 11 касса фаолият кўрсатмоқда. Аҳолидан омонатлар ҳамда турли тўловларни қабул қилувчи кассалар вилоятимиз маркази Фарғона шаҳрида ва туманларимизда фаолият кўрсатмоқда.

Филиал мијозлар сафини кенгайтириш мақсадида сезиларли ишлар олиб бориб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мијозлар сонини 2452 га етказишга эришди. Уларга хизмат кўрсатиш натижасида 1682,8 млн.сўм миқдорда банк даромади олинди. Бу жами олинган даромадларнинг 33,6 фоизини ташкил этади.

Маблағларни жалб қилиш соҳасидаги банкнинг асосий вазифаларидан бири, корпоратив мијозларга банк хизмати кўрсатиш бозоридаги ҳиссасини

ошириш ва сақлаб қолишдан иборат бўлди. 2012 йил 1 январ ҳолатига филиал депозитлари 20760,0 млн. сўмни ташкил этди. Банкка жалб қилинган маблағларнинг умумий ҳиссаси ортиб боришида жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. 2011 йил давомида аҳолидан жалб қилинган маблағлар ҳажми 6690 млн. сўмни ташкил қилди.

**2011 йил давомида филиал томонидан олиб борилган ишларга назар ташлаш учун рақамларга мурожаат қилинганда, қуйидагиларни кўриш мумкин: Жами даромадлар - 5008,4 млн. сўмни ташкил қилган.**

Хусусан 2011 йил давомида филиал томонидан жами 13313,2 млн. сўм миқдорида турли соҳаларга кредитлар ажратилиб жами кредит қолдиғи 16581,0 млн. сўмга етказилди. Кредитлаш хизмати 1795,6 млн. сўм миқдорида даромад олинди. Бу жами олинган даромадларнинг 36,8 фоизини ташкил этади.

Жисмоний шахслар билан ишлаш молия муассаларида алоҳида эътибор қаратиладиган йўналишлардан биридир.

«Ипотека банк» АТИБ Фарғона вилоят филиалида 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига 10 та жамғарма касса ва 1 та махсус касса фаолият кўрсатади. Жамғарма кассалар аҳолининг омонатларини қабул қилибгина қолмай, улардан коммунал тўловларни ҳам қабул қилади ва бошқа пуллик хизматларни кўрсатади. Жамғарма касса хизматлари 426,3 млн. сўм миқдорида даромад олинди. Бу жами олинган даромадларнинг 8,5 фоизини ташкил этади.

Хозирда филиал 8 та Вестерн юнион, 8 та Контакт, 8 та быстрая почта, 8 та золотая корона, 8 та Мигом, 8 та Юнистрим, 8 та Монеи грам, 7 та Близко пул ўтказиш, шунингдек, 4 та валюта айирбошлаш шахобчалари аҳолига хизмат қилиб келмоқда. Халқаро пул ўтказмалари тизими бўйича 38999 миқдорга дунёнинг турли бурчакларига Фарғона вилоятидан ўтказмалар олиш ва юбориш бўйича хизмат кўрсатилди. Пул ўтказмалари соҳасида 19306,0 минг. АҚШ Доллари миқдорида маблағ фуқароларга тарқатилди ва 236,3 млн.сўм миқдорида ёки жами олинган даромадларнинг 4,7 фоизи миқдорида банк даромади олинди.

2012 йил давомида вилоятимиз иктисодиётининг юкори суратларда ушиб макроектисодий мутаносибликни таъминлади, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш орқали ривожлантириш, техник ва технологик жихатдан янгилаш ишлари давом эттирилди. Банкимиз вилоят иктисодиётини ривожланида уз хиссасини қушиб аҳоли ва хужалик юритувчи субъектлар орасида уз обрў-эътиборини янада оширишга эришди.

Фаргона вилоят филиалида миқозлар сафини кенгайтириш мақсадида сезиларли ишлар олиб бориб утган йилнинг шу даврига нисбатан миқозлар сонини 2622 га етказишга эришилди, йил бошига нисбатан 170 та миқозга қупайди. Уларга хизмат қурсатиш натижасида 2782 млн.сум миқдорда банк даромади олинди. Бу жами олинган даромадларнинг 37,3 фоиз ташкил этади.

Маблағларни жалб қилиш соҳасидаги банкнинг асосий вазифаларидан бири, корпоратив миқозларга банк хизмати қурсатиш бозоридаги хиссасини ошириш ва сақлаб қолишдан иборат бўлди. 2013 йил 1 январ ҳолатига филиал депозитлари 32552 млн. сумни (2012 йил 01 январ ҳолатига – 20016 млн. сумни ташкил этган), шу жумладан жамгарма ва муддатли депозитлар - 7512 млн.сум ёки ҳамма депозитларнинг 23,1 фоизни ташкил этди.

Банкга жалб қилинган маблағларнинг умумий хиссаси ортиб боришида жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳам муҳим урин эгаллайди. 2012 йил давомида аҳолидан жалб қилинган маблағлар ҳажми 10623 млн. сумни ташкил қилиб режага нисбатан 113,1 фоизга ушибга эришилди.

2012 йил бошида давомида филиал томонидан жами **25,9 млрд. сум** миқдорида турли соҳаларга кредитлар ажратилди (шундан Қукон филиали – **2,1 млрд. сум**), асосий эътиборни қиска муддатли кредитларни ажратишга қартиб ҳисобот даврида жами **19,0 млрд. сум** миқдорида узок муддатли кредитлар ажратилди.

«Ипотека банк» АТИБ Фаргона вилоят филиалида 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига 11 та жамгарма касса фаолият қурсатди. Жамгарма кассалар аҳолининг омонатларини қабул қилибгина қолмай, улардан коммунал туловларни ҳам қабул қилади ва бошқа пуллик хизматларни қурсатади. Жамгарма касса хизматлари 502 млн.сум миқдорида даромад олинди (шундан Қукон филиали – 45 млн. сум). Бу жами олинган даромадларнинг 6,7 фоиз ташкил этади.

«Ипотека банк» АТИБ Фаргона вилояти филиали хисобот даврида асосий курсаткичларнинг усиши жараёнида даромадлиликни оширди, белгиланган режа-курсаткичларни тулик амалга ошириб 525 млн. сум соф фойда билан якунлади. (Кукон шаҳар филиали 195 млн. сум, Фаргона вилоят филиали 330 млн. сум).

Вилоят филиали бўйича жами активлар 63189 млн. сўмни ташкил қилиб йил бошига нисбатан 26127 млн. сўмга яъни 70 фоизга ошди.

Активлар филиаллар кесимида:

Кукон шаҳар филиали - 7274 млн.сум

Фаргона вилоят филиали - 55915 млн.сум

Активларнинг тузулиши қуйидагича кўринишга эга бўлган: (2.1.1-жадвал)

2.1.1-жадвал

«Ипотека банк» АТИБ активларининг таркиби

|                      | Сумма<br>(млн.сумда) | Жами<br>активлардаги<br>улуши, % | Изох                                                                                                                                                                                                                                                                   |
|----------------------|----------------------|----------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Жами активлар</b> | <b>63189</b>         | <b>100%</b>                      |                                                                                                                                                                                                                                                                        |
| Шу жумладан:         |                      |                                  |                                                                                                                                                                                                                                                                        |
| <b>Яхши</b>          | 56001                | 88.6%                            |                                                                                                                                                                                                                                                                        |
| <b>Стандарт</b>      | 5880                 | 9%                               | Банкрот деб эълон қилнган ташкилот урнида банкнинг инвестицияси хисобига ташкил этилган “Valley Mountain’s Fresh” МЧЖга инвестиция суммаси – 5111 млн.сум, Фаргона шаҳар Сувокава ( 553-карор) – 669 млн.сум. Кукон филиали бўйича Qoria Agro Savdo МЧЖ – 100 млн. сум |
| <b>Субстандарт</b>   | 430                  | 1%                               | 553-карор бўйича ажратилган кредит «Маргилон шаҳар Сувокава» Узкоммунхизмат – 355 млн.сум., Мехколonna 47 – 75 млн. сум                                                                                                                                                |
| <b>Шубхали</b>       | 878                  | 1,4%                             | 553-карор бўйича ажратилган кредит «Кукон шаҳар Сувокава» 681 млн.сум, Рухшона Кукон МЧЖ – 42 млн. сум ва Темурбек Шерзод Ибрагимов фермер хужалиги -44                                                                                                                |

|  |  |  |                                                                                                                                     |
|--|--|--|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|  |  |  | млн.сум<br>«КАЛАЧА ГОЙИБЖОН БОГИ»<br>ФЕРМЕР ХУЖАЛИГИ- 44<br>млн.сум, «Хасанбой Абдухакимов<br>нихоли» фермер хужалиги-67<br>млн.сум |
|--|--|--|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Активлар тизимида ва филиалнинг кредит қўйилмалари катта қисмни яъни 44,7 фоизни эгаллайди.

## 2.2. «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилоят филиали молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳолати таҳлили

«Ипотека банк» АТИБ Фарғона вилояти филиали ҳисобот даврида асосий кўрсаткичларнинг ўсиши жараёнида даромадлиликни оширди, белгиланган режа-кўрсаткичларни тўлиқ амалга ошириб, 243 млн.сўм соф фойда билан якунлади. (Қўқон шаҳар филиали 60 млн.сўм, Фарғона вилоят филиали 183 млн. сўм).

Вилоят филиали бўйича жами активлар 37061,0 млн. сўмни ташкил қилиб йил бошига нисбатан 12453,0 млн. сўмга яъни 51,0 фоизга ошди. Активлар тизимида ва филиалнинг кредит қўйилмаларининг катта қисмини, яъни 43,8 фоизини ташкил этади. Филиал томонидан олиб борилган оқилонга кредит сиёсати кредит портфелининг биринчи 2012 йил 01 январ ҳолатига 16581,0 млн.сўмга етказишга ёки 67,0 фоизга ўсишига олиб келди.

Вилоят филиали бўйича жами активлар суммаси 37061,3 млн. сўмни ташкил қилиб йил бошига нисбатан 12453,0 млн. сўмга кўпайган.

Активлар филиаллар кесимида: Қўқон шаҳар филиали - 5030,6 млн. сўм, Фарғона вилоят филиалида - 32030,7 млн.сўм.

Банк активларининг тузилиши қуйидагича бўлган (2.2.1-жадвал)

2.2.1-жадвал

«Ипотека банк» АТИБ Фарғона вилояти филиали активларининг тузилиши

| <b>Кўрсаткичлар</b>      | <b>Сумма (млн.сўмда)</b> | <b>Жами<br/>активлардаги<br/>улуши, %</b> |
|--------------------------|--------------------------|-------------------------------------------|
| <b>Жами соф активлар</b> | <b>29755,0</b>           | <b>100,0</b>                              |
| Шу жумладан:             |                          |                                           |
| Яхши                     | 22080,6                  | 74,2                                      |
| Стандарт                 | 7350,0                   | 24,7                                      |
| Субстандарт              | 111,8                    | 0,4                                       |
| Шубхали                  | 212,0                    | 0,7                                       |
| Умидсиз                  | 0                        | 0                                         |

Кредит қуйилмалари қолдиғи 16581,0 млн. сўмни ташкил қилиб йил бошига нисбатан 6501,0 млн. сўмга кўпайди ёки ўсиш 67 фоизга тенг бўлди

Натижада кредит портфелининг тузилишида ҳам таркибий ўзгаришлар кузатилди. Ҳисобот йилида филиалнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар улуши 10481,0 млн. сўмни, юқорида қайд этилганидек 63,2 фоизни ташкил қилиб йил бошига нисбатан 72,6 фоизга кўпайди.

2.2.2-жадвал

**Фарғона вилоят филиалида 2011йил режа кўрсаткичларининг  
бажарилиши**

(2012 йил 01 январ ҳолатига) (млн.сўмларда)

| <b>№</b> | <b>Кўрсаткич<br/>номи</b> | <b>01.01.12 й. режа</b> |                   |                                                                | <b>01.01.12 й. ҳақ.</b> |                   |                                                                | <b>режа ижроси, %</b> |                   |                                                                |
|----------|---------------------------|-------------------------|-------------------|----------------------------------------------------------------|-------------------------|-------------------|----------------------------------------------------------------|-----------------------|-------------------|----------------------------------------------------------------|
|          |                           | <b>Фарғ<br/>она</b>     | <b>Қўқ<br/>он</b> | <b>Фарғо<br/>на<br/>вилоя<br/>т<br/>филиа<br/>ли,<br/>жами</b> | <b>Фарғ<br/>она</b>     | <b>Қўқ<br/>он</b> | <b>Фарғо<br/>на<br/>вилоя<br/>т<br/>филиа<br/>ли,<br/>жами</b> | <b>Фарғ<br/>она</b>   | <b>Қўқ<br/>он</b> | <b>Фарғо<br/>на<br/>вилоя<br/>т<br/>филиа<br/>ли,<br/>жами</b> |
| 1        | Капитал                   | 817                     | 2<br>064          | 2 881                                                          | 817                     | 2<br>064          | 2 881                                                          | 100%                  | 100<br>%          | 100%                                                           |
| 2        | Таркатилган<br>пластик    | 35 626                  | 257               | 35 883                                                         | 35 626                  | 257               | 35 883                                                         | 100%                  | 100<br>%          | 100%                                                           |

|        |                                                                                    |              |          |              |              |           |              |             |                  |             |
|--------|------------------------------------------------------------------------------------|--------------|----------|--------------|--------------|-----------|--------------|-------------|------------------|-------------|
|        | карточкалар<br>сони, дон                                                           |              |          |              |              |           |              |             |                  |             |
| 3      | Урнатилган<br>терминаллар,<br>банкоматлар<br>ва<br>инфокиоскла<br>р сони, дон      | 316          | 39       | 355          | 316          | 39        | 355          | 100%        | 100<br>%         | 100%        |
| 4      | Жалб<br>қилинган<br>депозитлар<br>миқдори                                          | 17 925       | 0        | 17 925       | 20 016       | 744       | 20 760       | 112%        | 100<br>%         | 116%        |
| 5      | Аҳоли<br>омонатлари<br>миқдори                                                     | 6 400        | 0        | 6 400        | 6 466        | 224       | 6 690        | 101%        | 100<br>%         | 105%        |
| 6      | Аҳолидан<br>йигилган<br>коммунал<br>тўловлар<br>(2010<br>йилнинг мос<br>даврига)   | 6 800        | 0        | 6 800        | 8 100        | 11        | 8 111        | 119%        | 100<br>%         | 119%        |
| 7      | Мижозлар<br>сони                                                                   | 2 440        | 368      | 2 808        | 2 191        | 261       | 2 452        | 90%         | 71%              | 87%         |
| 8      | Ажратилган<br>инвестицион<br>кредитлар                                             | 2 300        | 0        | 2 300        | 2 343        | 0         | 2 343        | 102%        | 0%               | 102%        |
| 9      | Кичик бизнес<br>субъектлариг<br>а жами<br>ажратилган<br>кредитлар                  | 7 507        | 2<br>000 | 9 507        | <b>7 724</b> | 2<br>016  | 9 739        | 103%        | 100<br>%         | 102%        |
| 1<br>0 | Кичик бизнес<br>субъектлариг<br>а жами<br>ажратилган<br>микрокредит<br>лар миқдори | 1 183        | 380      | 1 563        | 1 184        | 381       | 1 565        | 100%        | 100<br>%         | 100%        |
|        | Бошлангич<br>сармояни<br>шакллантири<br>ш учун                                     | 40           | 0        | 40           | 54           | 0         | 54           | 135%        | 0%               | 135%        |
| 1<br>1 | <b>Ёш<br/>оилаларга<br/>ажратилган<br/>кредитлар<br/>жами, шу<br/>жумладан:</b>    | <b>1 306</b> | <b>0</b> | <b>1 306</b> | <b>2 625</b> | <b>91</b> | <b>2 716</b> | <b>201%</b> | <b>100<br/>%</b> | <b>208%</b> |
|        | Ёш оилаларга<br>ажратилган<br>микрокредит<br>лар                                   | 156          | 0        | 156          | 162          | 0         | 162          | 0%          | 0%               | 0%          |

|        |                                                                                                                                         |       |     |       |       |     |       |      |       |      |
|--------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|-----|-------|-------|-----|-------|------|-------|------|
|        | Ёш оилаларга ажратилган ипотека кредитлари                                                                                              | 1 000 | 0   | 1 000 | 2 294 | 0   | 2 294 | 229% | 0%    | 229% |
|        | Ёш оилаларга ажратилган истеъмор кредитлари                                                                                             | 150   | 0   | 150   | 169   | 91  | 260   | 113% | 100 % | 173% |
| 1<br>2 | Кам таъминланган оилаларга қорамол учун ажратилган кредитлар:                                                                           | 105   | 15  | 120   | 105   | 15  | 120   | 100% | 0%    | 100% |
| 1<br>3 | Тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар миқдори                                                                                         | 750   | 150 | 900   | 755   | 150 | 905   | 101% | 0%    | 101% |
| 1<br>4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-1047-сонли қарорига асосан озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар          | 1 985 | 450 | 2 435 | 2 105 | 450 | 2 555 | 106% | 0%    | 105% |
| 1<br>5 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-1050-сонли қарорига асосан озиқ-овқат истеъмор товарлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар | 1 220 | 280 | 1 500 | 1 257 | 297 | 1 554 | 103% | 100 % | 104% |
| 1<br>6 | Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш учун                                                                                 | 528   | 85  | 613   | 628   | 88  | 716   | 119% | 100 % | 117% |

|        |                                                                                                                  |     |     |     |     |    |     |      |          |      |
|--------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|-----|-----|-----|----|-----|------|----------|------|
|        | ажратилиш<br>режалаштири<br>лган<br>кредитлар                                                                    |     |     |     |     |    |     |      |          |      |
| 1<br>7 | Оилавий<br>тадбиркорлик<br>ва<br>хунармандчи<br>ликни<br>ривожлантир<br>ишга<br>ажратилган<br>микрокредит<br>лар | 45  | 0   | 45  | 73  | 0  | 73  | 163% | 0%       | 163% |
| 1<br>8 | Касб-хунар<br>коллежлари<br>битирувчила<br>рининг<br>тадбиркорлик<br>лойihalарига<br>берилган<br>кредитлар       | 48  | 24  | 72  | 113 | 40 | 153 | 234% | 0%       | 212% |
| 1<br>9 | Соф фойда<br>(2010<br>йилнинг мос<br>даврига)                                                                    | 210 | 133 | 343 | 183 | 60 | 243 | 87%  | 100<br>% | 71%  |
| 2<br>0 | Муддати<br>утган<br>кредитлар                                                                                    | 0   | 0   | 0   | 0   | 0  | 0   | 0%   | 0%       | 0%   |
| 2<br>1 | Суд<br>жараёнидаги<br>кредитлар                                                                                  | 0   | 0   | 0   | 0   | 0  | 0   | 0%   | 0%       | 0%   |
| 2<br>2 | Муддати<br>узайтирилган<br>кредитлар                                                                             | 0   | 0   | 0   | 0   | 0  | 0   | 0%   | 0%       | 0%   |
| 2<br>3 | Ҳисобланган<br>лекин<br>ундирилмаган<br>даромадлар                                                               | 0   | 0   | 0   | 75  | 0  | 75  | 100% | 0%       | 100% |
| 2<br>4 | Бошқа<br>активлар<br>(2011 йил 1<br>январи билан<br>солиштирилган)                                               | 31  | 0   | 31  | 0   | 0  | 0   | 0%   | 0%       | 0%   |

Банкрот деб эътироф этилган «Sun Valley Juice» кушма корхонаси негизда, 100 % банк таъсисчилиги асосида устав жамғармаси 5111,3 млн. сўмлик «Valley Mountain's Fresh» маъсулияти чекланган жамияти ташкил

этилди. Жамият томонидан такдим этилган бизнес режа кўрсаткичларига асосан келаётган мавсўмга иш фаолиятини бошлаш учун барча зурурий чоралар курилди. Жамиятнинг 2011 йил давомида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун 6762,9 млн. сўм миқдорида инвестиция киритиш режалаштирилган. 2012 йил 1 январ ҳолатига жами 2540,0 млн. сўм инвестиция киритилди, шундан 885,0 млн. сўм – айланма маблағлар, 1655,0 млн. сўм миқдоридаги маблағлар модернизация қилиши учун сарфланиб, жамият томонидан 1015,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Потенциал харидорларни топиш ва жамиятни сотиш мақсадида банк филиали томонидан мазкур корхона баҳоланиб, аукцион савдоларига чиқарилган.

2012 йил давомида банк филиали фаолиятининг асосий кўрсаткичлари кўйида келтирилган. (2.2.3-жадвал).

2.2.3-жадвал

**Фаргона вилоят филиалида 2012 йил режа кўрсаткичларининг  
бажарилиши бўйича 2013 йил 01 январ ҳолатига маълумот**

| № | Кўрсаткич<br>номи                         | 01.01.2013 й. Режа |           |                                                   | 01.01.2013 й ҳақиқ. |            |                                                   | режа ижроси, % |           |                                                   |
|---|-------------------------------------------|--------------------|-----------|---------------------------------------------------|---------------------|------------|---------------------------------------------------|----------------|-----------|---------------------------------------------------|
|   |                                           | Фарғ<br>она        | Қўқ<br>он | Фарғо<br>на<br>вилоя<br>т<br>филиа<br>ли,<br>жами | Фарғ<br>она         | Қўққ<br>он | Фарғо<br>на<br>вилоя<br>т<br>филиа<br>ли,<br>жами | Фарғ<br>она    | Қўқо<br>н | Фарғо<br>на<br>вилоя<br>т<br>филиа<br>ли,<br>жами |
| 1 | Капитал                                   | 1 181              | 2 098     | 3 279                                             | 1 064               | 2 379      | 3 443                                             | 90,2%          | 113,4%    | 105,0%                                            |
| 2 | Мижозлар<br>сони                          | 2 262              | 686       | 2 948                                             | 2 318               | 304        | 2 622                                             | 102,5%         | 44,3%     | 88,9%                                             |
| 3 | Жалб<br>килинган<br>депозитлар<br>миқдори | 26 021             | 967       | 26 988                                            | 32 552              | 1 338      | 33 890                                            | 125,1%         | 138,3%    | 125,6%                                            |
| 4 | Ахоли<br>омонатлари<br>миқдори            | 9 396              | 327       | 9 722                                             | 10 624              | 382        | 11 006                                            | 113,1%         | 116,9%    | 113,2%                                            |
| 5 | Ахолидан<br>йигилган<br>коммунал          | 8 100              | 6         | 8 106                                             | 11 510              | 4          | 11 514                                            | 142,1%         | 100,0%    | 142,0%                                            |

|        |                                                                                                                                                                                   |       |          |               |           |       |        |            |            |            |
|--------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|----------|---------------|-----------|-------|--------|------------|------------|------------|
|        | туловлар<br>(2012 йилнинг<br>мусаввати)                                                                                                                                           |       |          |               |           |       |        |            |            |            |
| 6      | Ажратилган<br>инвестицион<br>кредитлар                                                                                                                                            | 7 350 | 2<br>650 | 10 000        | 7 741     | 2 976 | 10 717 | 71,0%      | 29,5<br>%  | 58,8%      |
| 7      | Кичик бизнес<br>субъектларига<br>жами<br>ажратилган<br>кредитлар                                                                                                                  | 9 601 | 1<br>675 | <b>11 276</b> | 11<br>101 | 1 838 | 12 939 | 115,6<br>% | 109,<br>8% | 114,8<br>% |
| 8      | Кичик бизнес<br>субъектларига<br>жами<br>ажратилган<br>микрокредитл<br>ар микдори                                                                                                 | 1 272 | 318      | <b>1 590</b>  | 1 704     | 425   | 2 130  | 134,0<br>% | 133,<br>8% | 133,9<br>% |
| 9      | Тадбиркор<br>аёлларга<br>ажратилган<br>кредитлар<br>микдори                                                                                                                       | 936   | 234      | <b>1 170</b>  | 960       | 284   | 1 244  | 102,6<br>% | 121,<br>4% | 106,3<br>% |
| 1<br>0 | Ўзбекистон<br>Республикаси<br>Президентини<br>нг ПК-1047-<br>сонли<br>қарорига<br>асосан озиқ-<br>овқат<br>товарлари<br>ишлаб<br>чиқаришга<br>ажратилган<br>кредитлар             | 2 275 | 275      | <b>2 550</b>  | 5 279     | 278   | 5 557  | 232,0<br>% | 101,<br>1% | 217,9<br>% |
| 1<br>1 | Ўзбекистон<br>Республикаси<br>Президентини<br>нг ПК-1050-<br>сонли<br>қарорига<br>асосан<br>нозиқ-овқат<br>истеъмол<br>товарлари<br>ишлаб<br>чиқаришга<br>ажратилган<br>кредитлар | 1 264 | 316      | <b>1 580</b>  | 1 273     | 426   | 1 699  | 100,7<br>% | 134,<br>8% | 107,5<br>% |
| 1<br>2 | Хизмат<br>курсатиш ва<br>сервис                                                                                                                                                   | 637   | 159      | <b>1 390</b>  | 753       | 181   | 934    | 118,2<br>% | 113,<br>6% | 113,2<br>% |

|        |                                                                                                                                                                                                          |     |    |            |      |    |     |            |            |            |
|--------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|----|------------|------|----|-----|------------|------------|------------|
|        | соҳаларини<br>ривожлантири<br>ш учун<br>ажратилиш<br>режалаштири<br>лган<br>кредитлар                                                                                                                    |     |    |            |      |    |     |            |            |            |
| 1<br>3 | Оилавий<br>тадбиркорлик<br>ва<br>хунармандчил<br>икни<br>ривожлантири<br>шга<br>ажратилган<br>микрокредитл<br>ар                                                                                         | 126 | 17 | <b>256</b> | 130  | 48 | 178 | 103,2<br>% | 282,<br>4% | 113,2<br>% |
| 1<br>4 | Касб-хунар<br>коллежлари<br>битирувчилар<br>ининг<br>тадбиркорлик<br>лойихаларига<br>берилган<br>кредитлар                                                                                               | 42  | 11 | <b>108</b> | 66   | 33 | 99  | 159,0<br>% | 311,<br>4% | 113,2<br>% |
| 1<br>5 | Кам<br>таъминланган<br>оилаларга<br>корамоил учун<br>ажратилган<br>кредитлар:                                                                                                                            | 81  | 51 | <b>165</b> | 84   | 52 | 136 | 103,1<br>% | 102,<br>0% | 113,2<br>% |
| 1<br>6 | Бошлангич<br>сармояни<br>шакллантири<br>ш учун                                                                                                                                                           | 0   | 0  | <b>0</b>   | 34,4 | 27 | 61  | 100,0<br>% | 100,<br>0% | 100,0<br>% |
| 1<br>7 | Ўз. Рес.<br>Адлия<br>Вазирлигинин<br>г 2344-сонли<br>низомига<br>асосан<br>шахсий<br>ёрдамчи<br>хўжаликларга<br>қишлоқ<br>хўжалиги<br>маҳсулотлари<br>ни<br>етиштириш<br>учун<br>ажратилган<br>кредитлар | 55  | 15 | <b>70</b>  | 55   | 15 | 70  | 100,0<br>% | 100,<br>0% | 100,0<br>% |

|        |                                                                     |       |     |              |       |     |       |             |            |            |
|--------|---------------------------------------------------------------------|-------|-----|--------------|-------|-----|-------|-------------|------------|------------|
| 1<br>8 | Имтиёзли<br>кредитлаш<br>жамгармаси<br>маблаг<br>хисобидан<br>(ФЛК) | 395   | 15  | <b>665</b>   | 270   | 15  | 285   | 68,4%       | 100,<br>0% | 113,2<br>% |
| 1<br>9 | Янги иш урни                                                        | 339   | 85  | <b>679</b>   | 340   | 85  | 425   | 100,3<br>%  | 100,<br>0% | 113,2<br>% |
| 2<br>0 | Ёш оилаларга<br>ажратилган<br>кредитлар<br>жами,                    | 1 420 | 460 | <b>1 880</b> | 1 018 | 240 | 1 258 | 1197,<br>5% | 282,<br>4% | 66,9%      |
|        | шу<br>жумладан:                                                     |       |     |              |       |     |       |             |            |            |
| 2<br>1 | Ёш оилаларга<br>ажратилган<br>микрокредитл<br>ар                    | 120   | 60  | <b>266</b>   | 146   | 60  | 206   | 121,6<br>%  | 100,<br>0% | 72,0%      |
| 2<br>2 | Ёш оилаларга<br>ажратилган<br>ипотека<br>кредитлари                 | 1200  | 200 | <b>1 400</b> | 767   | 69  | 836   | 63,9%       | 34,5<br>%  | 59,7%      |
| 2<br>3 | Ёш оилаларга<br>ажратилган<br>истеъмол<br>кредитлари                | 100   | 200 | <b>300</b>   | 105   | 111 | 216   | 105,0<br>%  | 55,5<br>%  | 72,0%      |
|        |                                                                     |       |     |              |       |     |       |             |            |            |
| 2<br>4 | Соф фойда                                                           | 454   | 145 | <b>599</b>   | 330   | 195 | 525   | 72,7%       | 135,<br>1% | 87,8%      |
| 2<br>5 | Муддати<br>утган<br>кредитлар                                       | 0     | 0   | <b>0</b>     | 0     | 0   | 0     | 0,0%        | 0,0%       | 0,0%       |
| 2<br>6 | Суд<br>жараёнидаги<br>кредитлар                                     | 0     | 0   | <b>0</b>     | 0     | 0   | 0     | 0,0%        | 0,0%       | 0,0%       |
| 2<br>7 | Муддати<br>узайтирилган<br>кредитлар                                | 0     | 0   | <b>0</b>     | 0     | 0   | 0     | 0,0%        | 0,0%       | 0,0%       |
| 2<br>8 | Хисобланган<br>лекин<br>ундирилмаган<br>даромадлар                  | 0     | 0   | <b>0</b>     | 288   | 1   | 289   | 100,0<br>%  | 100,<br>0% | 100,0<br>% |
| 2<br>9 | Бошка<br>активлар<br>(2012 йил 1<br>январни билан<br>солиштирилган) |       |     | <b>0</b>     |       |     | 0     | 0,0%        | 0,0%       | 0,0%       |

Шунингдек, банк балансига олинган «Қувасой Наслли Паранда» МЧЖнинг ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш мақсадида 01.01.2013 йил ҳолатига 4641,0 млн. сум миқдорида жамиятни биноларини қайта таъмирлаш ва янги замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида инвестиция киритилди.

I. 2012 йил учун «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилоят филиалига 98070 млн. сум нақд пул тушуми прогнози урнатилган бўлиб, ҳақиқатда нақд пул тушуми 102071 млн. сўмни ташкил қилди. Белгиланган режа 4001 млн. сумга ортиги билан бажарилди. 2011 йилга нисбатан 26306,8 млн. сўмга ёки 25,7 % га ошди. Натижада филиал томонидан барча чиқимлар уз тушумларимиз ҳисобидан амалга оширилишига эришилди. Шундан:

- **2012 йил давомида савдо тушуми** – 45643.9 млн. сўмни ёки умумий тушумнинг 44.7 % ни ташкил қилиб, 2011 йилга нисбатан 14726,7 млн. сўмга қупайди. (ўтган йилга нисбатан 32,2 %га ошди.) Йиллик белгиланган савдо режаси 16909,1 млн. сумга кам бажарилган. (сабаб авто савдоси тушуми учун режани бажарилмаганлиги).

- **Пуллик хизмат кўрсатишдан тушган тушум** 2012 йил давомида 14707,2 млн. сўмни ёки умумий тушумнинг 14.4 % ни ташкил этган бўлиб, бу курсатгич 2011 йилга нисбатан 3411,5 млн. сўмга қўпайди.(ўтган йилга нисбатан 23,1 % га ошди).

Шундан,

- **коммунал тўловлардан тушган тушум** 7574,4 млн сўмни ташкил қилиб , умумий тушумнинг 7,4 % ни ташкил қилди. 2011 йилга нисбатан 1812,3 млн сўмга қупайди.

- **омонат ҳисобрақамларига** 28366,3 млн. сўм нақд пул жалб қилиниб, умумий тушумни 27.7 % ни ташкил этди. 2011 йилга нисбатан 8262,5 млн сўмга қупайди.

- 2012 йил давомида бошқа тушумлар 13353,5 млн. сўмни ташкил этди, 2011 йилга нисбатан 93,9 млн. сўмга қупайди.

II. 2012 йил давомида Фаргона вилоят филиали кассаларидан жами 89836,6 млн сўм чиким килинди, жумладан:

- 2012 йил давомида биринчи даражали ижтимоий тўловларнинг (пенсия ва бюджет ташкилотлари) 35815,6 млн. сўми нақд пул билан таъминлаб берилди, 2011 йилга нисбатан 8316,5 млн. сўмга купайди.

- Мониторингга олинган корхоналарга 4456,1 млн.сум, корхона ва ташкилотлар иш хакки туловларига 3259,5 млн сум, омонат оркали тўловларга 33101,2 млн сўм ва бошқа чикимлар 13204 млн. сўмни ташкил этди.

Жами чикимнинг 39,9 % биринчи даражали тўловларига, мониторингга олинган ва бошқа корхоналарнинг иш хаки тўловларига 8,5 %, аҳоли омонат тўловларига 36,8 % , бошқа чикимлар улуши 14.8 % ни ташкил килди.

2012 йил давомида ижтимоий тўловлар тўлик молиялаштирилиб, ўз вақтида нақд пул билан таъминланди.

III. Марказий банк ва бошқа банк булимларидан 2012 йил давомида биринчи даражали ижтимоий тўловлар, контингент ва мониторингга олинган стратегик ахамиятга эга ташкилотларнинг иш хаки тўловлари учун мадад пуллари олинмади ҳама туловлар уз тушуми хисобидан копланди. Фермер хужаликларига пахта хосили терим пули учун 2012 йил давомида Марказий банкдан жами 340 млн сум **мадад пули** олинди. Жорий йил давомида Марказий Банк захирасига эса 12801,1 млн.сум мадад пуллари берилди.

Нақд пул тушумини кўпайтириш, биринчи даражали тўловларни тулаш бўйича бир неча йуналишларда иш олиб бораяпмиз.

Президентимизнинг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани кискартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2005 йил 15 апрелдаги Пк-57 сонли, “Банклардаги депозит хисобваракларидан нақд пул тўловларини ўзлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги 2005 йил 5 августдаги Пк-147 сонли ва “Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга булган эҳтиёжни қондиришга доир

кушимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 27 мартдаги Пк-822 сонли Карорлари ижроси банки филиалининг ҳар бир булимлари томонидан бажарилиши катъий назоратга олинган.

### **2.3. Нақд пул муомаласи ва пластик карточкаларни тадбиқ этиш борасида банк томонидан амалга оширилган ишлар.**

2011 йил 3-чораги учун “Ипотека-банк” АТИБ Фарғона вилоят филиалига 54480 млн.сўм нақд пул тушуми прогнози ўрнатилган бўлиб, ҳақиқатда нақд пул тушуми 52901,5 млн. сўмни ташкил қилди. Белгиланган режа 1578,5 млн сўмга кам бажарилди. 2010 йил 3-чорагига нисбатан 11280,3 млн сўмга ёки 21,4 % га ошди.

Натижада филиал томонидан барча чиқимлар банкнинг ўз тушумлари ҳисобидан амалга оширилишига эришилди . Шундан:

- 2011 йил 3-чораги давомида савдо тушуми – 21384,7 млн сўмни ёки умумий тушумнинг 40,4 % ни ташкил қилиб, 2010 йил 3-чорагига нисбатан 3769,4 млн сўмга кўпайди (ўтган йил 3-чорагига нисбатан 17,7 %га ошди.).

- Пуллик хизмат кўрсатишдан тушган тушум 2011 йил 3-чораги давомида 8093,2 млн. сўмни ёки умумий тушумнинг 15,2 % ни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йил 3-чорагига нисбатан 594,6 млн. сўмга кўпайди (ўтган йил 3-чорагига нисбатан 7,4 % га ошди).

Шундан,

- коммунал тўловлардан тушган тушум 4016,1 млн сўмни ташкил қилиб , умумий тушумнинг 7,5 % ни ташкил қилди. 2010 йил 3-чорагига нисбатан 1250,4 млн сўмга кўпайди.

- омонат ҳисобрақамларига 14565,9 млн. сўм нақд пул жалб қилиниб, умумий тушумнинг 27,5 % ни ташкил этди. 2010 йил 3-чорагига нисбатан 8469,9 млн сўмга кўпайди.

- 2011 йил 3-чораги давомида бошқа тушумлар 8857,4 млн. сўмни ташкил этди, 2010 йил 3- чорагига нисбатан 1554 млн. сўмга камайди.

Чиқим.

II. 2011 йил 3-чораги давомида Фарғона вилоят филиали кассаларидан жами 45959 млн сўм чиқим қилинди, жумладан:

- 2011 йил 3-чораги давомида биринчи даражали ижтимоий тўловларнинг (пенсия ва бюджет ташкилотлари) 19812,6 млн. сўми нақд пул билан таъминлаб берилди, 2011 йил 3-чорагига нисбатан 3154,4 млн. сўмга камайди.

- Мониторингга олинган корхоналарга 2247 млн. сўм, корхона ва ташкилотлар иш ҳақи тўловларига 1631,8 млн. сўм, омонат орқали тўловларга 16597,8 млн сўм ва бошқа чиқимлар 5669,7 млн. сўмни ташкил этди.

Жами чиқимнинг 43,1 % биринчи даражали тўловларга, мониторингга олинган ва бошқа корхоналарнинг иш ҳақи тўловларига 8,4 %, аҳоли омонат тўловларига 36,1 % , бошқа чиқимлар улуши 12,3 % ни ташкил қилди.

2011 йил 3-чораги давомида ижтимоий тўловлар тўлиқ молиялаштирилиб, ўз вақтида нақд пул билан таъминланди.

Марказий банк ва бошқа банк бўлимларидан 2011 йил 3-чораги давомида биринчи даражали ижтимоий тўловлар, контингент ва мониторингга олинган стратегик аҳамиятга эга ташкилотларнинг иш ҳақи тўловлари учун Марказий банк ва тижорат банкларидан 387 млн. сўм мадад пуллари олинди. Жорий йил 3-чораги давомида Марказий Банк заҳирасига эса 7022,5 млн. сўм мадад пуллари берилди.

Нақд пул тушумини кўпайтириш, биринчи даражали тўловларни тўлаш бўйича бир неча йўналишларда иш олиб борилди.

Президентимизнинг “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-57 сонли, “Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147 сонли ва “Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондиришга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2008 йил 27 мартдаги ПҚ-822 сонли Қарорлари ижроси банк филиалининг ҳар бир бўлимлари томонидан бажарилиши қатъий назоратга олинган.

«Ипотека банк» АТИБ Фарғона вилоят филиалида 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига 10 та жамғарма касса ва 1 та махсус касса фаолият кўрсатди. Жорий йил давомида аҳолидан 19006,537 млн.сўм тўловлар қабул қилинди ва ўтган 2010 йилга нисбатан жамғарма кассалари орқали қабул қилинган тўловлар 21,9 фоизга ёки 3400,476 млн.сўмга кўпайди. Шу жумладан коммунал тушумлар 8100 млн. сўмни таш қил этди ва ўтган йилга нисбатан 79,1 фоизга ёки 3579,25 млн.сўмга кўпайди.

Филиал томонидан ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-1090 қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ги ПҚ-1438 сонли Қарори талабларини бажариш мақсадида аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, нақд пул тушумини кўпайтириш аҳолига жозибадор омонат турларини таклиф этилмоқда.

### 2.3.1-жадвал

“Ипотека банк” АТИБ Фарғона филиали омонат маблағлағлари,  
млн.сўм

| Кўрсаткичлар     | 01.01.12й<br>ҳолатига | 1.01.11 й<br>ҳолатига | ўтган йилга нисбатан |       |
|------------------|-----------------------|-----------------------|----------------------|-------|
|                  |                       |                       | Фарк                 | %     |
| Омонат қолдиғи   | 3010,871              | 1971,864              | 1039,007             | 52,69 |
| Омонатчилар сони | 10132                 | 10094                 | 38                   | 0,3   |

|                                   |          |          |         |       |
|-----------------------------------|----------|----------|---------|-------|
| Шу жумладан<br>муддатли омонатлар | 2758,145 | 1699,752 | 1058,39 | 62,26 |
| Омонатчилар сони                  | 328      | 379      | -51     | -13,5 |

Жадвалдан кўриниб турибди-ки 2011 йилнинг 9 ойида ўтган 2010 йилнинг мос даврига нисбатан омонат қолдиғи 30 фоизга ёки 1617 млн.сўмга кўпайди. Шу жумладан, аҳоли ўртасида муддатли омонатларни кенг ташвиқот ишлари олиб борилгани ва уларга жозибадор омонат турлари таклиф этилгани натижасида ҳисобот даврида 2010 йилнинг мос даврига нисбатан муддатли омонатлар қолдиғи 64 фоизга ёки 884 млн. сўмга кўпайди. 2011 йилнинг 1 октябр ҳолатига омонат қолдиғини 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига нисбатан 19 фоизга ёки 1080 млн. сўмга оширишга эришилди.

2012 йил 1 январ ҳолатига жами 2517 та хўжалик субъектига банк хизмати кўрсатилади, шундан кичик бизнес субъектлари 2276 тани ташкил этмоқда.

«Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилоят филиалида кичик бизнесни қўллаб-қуватлашда, банк хизматини янада яхшилаш мақсадида тадбиркорлар хонаси ташкил этилган бўлиб, банк мутахассислари томонидан тадбиркорларга кредит ажратишда, бизнес режалар тузишда ва уларни қизиқтирган саволлари бўйича яқиндан ёрдам берилмоқда.

2011 йил давомида “Ипотека-банк” АТИБ Фарғона вилоят филиалининг барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 9507,4 млн.сўм миқдорда кредитлар ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 2011йил давомида филиал томонидан вилоятда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектларига жами 9739,3 млн.сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган. Ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига жами 344 та янги иш ўринлари яратишга эришилди.

Мазкур кредит маблағларидан 1565,4 млн. сўми кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич режага нисбатан 100,2 фоизга бажарилган (режа – 1562,8 млн.сўм).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли Қарорига асосан вилоятдаги маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тадбиркор ва корхоналарга ажратилиши режалаштирилган кредитлар миқдори 2435,0 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, ҳақиқатда 2554,6 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари молиялаштирилди, яъни белгиланган режа 104,9 фоизга бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли Қарорига асосан маҳаллий нооziқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни ташкиллаштириш мақсадида ажратилган кредитлар 1554,0 млн. сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич филиал томонидан режага нисбатан 103,6 фоизга бажарилган (йиллик режа 1500,0 млн.сўмни ташкил этади).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сонли Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонига асосан ўз фаолиятини юритаётган аёл тадбиркорларни кўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори 905,0 млн. сўмдан иборат бўлиб, 2011 йил давомида белгиланган 900,0 млн. сўм миқдоридаги режа 100,6 фоизга бажарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сонли қарорига асосан шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларини кўпайтиришни ривожлантириш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона филиали томонидан 2011йилда 120,0 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилган бўлиб, ушбу кўрсаткич белгиланган режага нисбатан 100 фоизга бажарилган (йиллик режа 120,0 млн.сўмни ташкил этади).

Фарғона вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 2011 йил давомида ажратилган кредитлар миқдори

715,5 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, иқтисодиётнинг мазкур секторига ажратилиши белгиланган режа 116,8 фоизга ортиғи билан бажарилган (йиллик режа 612,6 млн.сўмни ташкил этади).

«Ипотека-банк» АТИБ Фарғона филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сонли Фармони ижроси юзасидан вилоятдаги ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун 162,4 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. 2011 йил давомида ёш оилаларга ажратиш белгиланган микрокредит режаси 155,6 млн.сўмни ташкил этган ҳолда, мазкур кўрсаткич банк томонидан 104,4 фоизга бажарилди.

Оилавий тадбиркорлик ва хунармандликни ривожлантириш учун 2011 йил давомида ажратилган кредитлар миқдори 73,3 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, иқтисодиётнинг мазкур секторига ажратилиши белгиланган режа 162,9 фоизга ортиғи билан бажарилган (йиллик режа 45,0 млн.сўмни ташкил этади).

Касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолияти учун 2011 йил давомида ажратилган кредитлар миқдори 153,0 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, ажратилиши белгиланган режа 102,0 фоизга ортиғи билан бажарилган (йиллик режа 150,0 млн.сўмни ташкил этади).

Ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига жами 344 та янги иш ўринлари яратишга эришилди.

Банк филиали томонидан Президентимизнинг 2008 йил 19 ноябрь кунги 4010-сонли Фармойишини бажариш мақсадида банк балансига олинган мулклар ҳисобидан устав фондини шакллантирган ҳолда Янги “Valley Mountain’s Fresh” маъсулияти чекланган жамияти ташкил этилган.

Жамиятнинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: ўрик, олма, шафтоли, помидор ва бошқаларни қайта ишлаш, улардан мева ва сабзавот шарбатлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган концентрантлар, паста ва томатлар ишлаб чиқаришдан иборат.

Жамиятнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш мақсадида «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилоят филиали томонидан 2011 йил давомида 6762,9 млн. сўм миқдорида инвестиция маблағлари киритиш режалаштирилди.

Келаётган мавсумга олдиндан тайёргарлик кўриш учун бизнес-режа ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра жамият ишлаб чиқариш фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиши ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар (ўрик ва шафтоли пастаси) ишлаб чиқарилиши учун зарур бўлган қўшимча дастгоҳлар ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиши ҳамда хом-ашё захирасини шакллантириши, жамият ҳудудидаги бино ва иншоотларни таъмирлаш, атрофдаги деворларни таъмирлаш, транспорт воситаларини (трактор, автокара) сотиб олиш учун маблағ сарфланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 январдаги “Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув сарфини ҳисобга олиш жиҳозлари билан таъминлаш бўйича инвестицион лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-553-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Ипотека-банк» АТИБ Бошқарувининг 2011 йил 8 апрел санасида 82-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, мазкур қарор ижроси бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

Фарғона вилоят «Иссиқлик Манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси, Фарғона вилоят “Энерго Маркази” акциядорлик жамияти, “Қувасой ГРЭС” шўъба корхонаси, “Қиргули Иссиқлик манбаи” масъулияти чекланган жамияти, “Қўқонэнергомарказ” масъулияти чекланган жамиятлари билан қўшимча келишувлар, Фарғона шаҳар “Сувоқава”, Марғилон шаҳар “Сувоқава”, Қўқон шаҳар “Сувоқава” ва Қувасой шаҳар “Сувоқава” ишлаб чиқариш корхоналари билан кредит шартномалари имзоланди ва инвестицион лойиҳанинг 2-босқичида ўрнатилган сув ҳисоблагичлар учун 1322922.85 АҚШ доллари миқдорида қўшимча кредит маблағлари молиялаштирилди.

“Иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш бўлими J-USBP дастури бўйича кредитлаш шўъбаси 2008 йилдан буён филиалда иш олиб бормоқда.

2011 йил давомида олиб борилган ишларни таҳлил қилганда 99 та кичик бизнес субъектларига жами бўлиб 1601,0 млн сўм миқдорида микрокредитлар ажратилган, шундан 761,6 млн сўми нақд пулда, 839,4 млн сўми пул ўтказиш йўли билан ажратилган. 2011 йил давомида 194,4 млн. сўм миқдорида кредит фоизлари ундирилади. Бундан ташқари кредит ҳужжатларини ташкиллаштириш учун миждозлардан бир марталик 1% ёки 2% олинадиган комиссия тўловлар бир ойда ўртача 23,4 млн сўмни ташкил қилади. Йил бошидан жами 1183,7 млн сўмлик кредит маблағлари қайтарилган бўлиб, шундан 1166,3 млн сўм (нақд пулда 487,7 млн сўм ва савдо терминали орқали 678,4 млн сўм) қайтарилган. 2012 йил 1 январ ҳолатига J-USBP дастури бўйича кредит портфели 950,0 млн сўмни ташкил этади. Бу эса 2011 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 419,6 млн сўмга ёки 1,8 мартага ортди.

J-USBP дастури бўйича кредитлаш шўъбаси 2012 йил давомида кредит портфелини 1200,0 млн сўмгача оширишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Аҳолининг реал даромадлари ва турмуш даражаси ошиб боргани сари, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, хусусан уй-рузгор буюмларига, замонавий уй-жойга, таълим олишга, малакали тиббий хизматга, сифатли дам олишга ҳамда бошқа моддий ва номоддий неъматларга бўлган талаби ҳам ошиб бораверади. Мазкур жиҳатни чуқур англаган ҳолда «Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилоят филиали Ҳукуматимиз томонидан, шунингдек Марказий банк ва Банк Бошқаруви томонидан белгилаб берилган топшириқ ва вазифаларни изчиллик билан бажариб боришга интилоқда. Ушбу вазифаларни бажариш асносида ўтган 2011 йил давомида Банк томонидан қуйидаги натижаларга эришилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чоратadbирлари» тўғрисидаги ПҚ-10 сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида Вазирлар Маҳкамасида 2010 йил 18 апрелда бўлиб ўтган «2010 йилда аҳолига, шу жумладан ёш oilалар учун

турар-жой бинолари қурилишини давом эттириш масалаларига бағишланган» йиғилиш баёнида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона шаҳри марказининг Бурхониддин Марғиноний ва Конституция кўчалари кесишмасида ҳамда Ал Фарғоний ва Мустақиллик кўчалари кесишмасида вилоятимиз аҳолиси учун замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган 2 та 5 қаватли 68 хонадондан иборат кўп қаватли турар-жой бинолари қуриб битказилди. Мазкур турар-жойдаги хонадонларни сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2008 йил 12 июлда 1835-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг шу йил 13 июнда 14/5 сонли қарори билан тасдиқланган «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қуриладиган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 64 нафар фуқарога жами 2569,6 млн. сўм миқдорда узоқ муддатли ипотека кредити ажратилди.

«Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилоят филиалининг «Ипотека ва истеъмол кредитлари» бўлими томонидан вилоятимиз аҳолисига жами 3325,9 млн. сўм миқдорида ипотека, истеъмол ва таълим кредитлари ажратилган бўлиб, Бошқарув томонидан белгилаб берилган режа кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилди. Жумладан 74 нафар фуқарога 2903,7 млн.сўм миқдорида уй-жой сотиб олиш ва уни реконструкция қилиш учун ипотека кредитлари, 67 нафар фуқарога уй-рўзғор буюмлари, қурилиш материаллари сотиб олиш учун 315,2 млн.сўм миқдорида истеъмол кредитлари, 52 нафар фуқарога олий ўқув юртида тўлов-контракт асосида таълим олишлари учун 107,0 млн. сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилди. Кредитлар таркибида ёш оила сафига кирувчи фуқароларга ажратилган кредитлар катта салмоққа эга бўлиб, жами ажратилган кредитларнинг қарийб 73% ини (2429,0 млн. сўм) ташкил этади, хусусан 54 нафар ёш оилага 2255,6 млн. сўм миқдорида ипотека кредитлари, 34 нафар ёш оилага 167,9 млн. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди.

“Ипотека банк” АИТБ томонидан ажратилган кредит турлари ҳақида  
маълумот млн.сўм

| Кредит<br>тури | 2011 йил<br>давомида<br>ажратилган<br>кредит<br>миқдори | Шу жумладан   |               | Кредит<br>қўйилмаси |
|----------------|---------------------------------------------------------|---------------|---------------|---------------------|
|                |                                                         | ёш оила       | умумий тартиб |                     |
| Ипотека        | 2903,7                                                  | 2255,6        | 648,1         | 7261,1              |
| Истеъмол       | 315,2                                                   | 173,4         | 141,8         | 348,8               |
| Таълим         | 107,0                                                   |               | 107,0         | 145,3               |
| <b>Жами</b>    | <b>3325,9</b>                                           | <b>2429,0</b> | <b>896,9</b>  | <b>7755,2</b>       |

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, олий ўқув юртларида тўлов контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабаларга ажратиладиган таълим кредитлари миқдори йилдан-йилга ошириб борилмоқда. Мазкур кредитларнинг қарийб барчаси очик кредит линияси орқали ажратилган бўлиб, ўтган йил мобайнида мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида тахсил олаётган 52 нафар талабага олий таълим олиш учун бир мунча қулайлик яратилди.

2012 йил 1 январ ҳолатига кредит қўйилмалари ҳажми 463 та мижоз бўйича 7755,2 млн. сўмни ташкил этди.

Ҳисоб китобларга кўра, «Ипотека ва истеъмол кредитлари» бўлими томонидан ажратилган кредитлар бўйича ҳар ойда ўртача 64 млн. сўмдан фоиз кўринишидаги даромад олиш имкониятига эришилди. Шунингдек ҳар ой давомида ўртача 60 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари сўндирилмоқда. Мазкур сўндирилаётган маблағларнинг аксарият қисми нақд пул ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

2012 йил 1 январ ҳолатига «Ипотека ва истеъмол кредитлари» бўлими назорати остидаги кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликлар, кредит

бўйича тўланмаган фоизлар ва асосий қарз бўйича тўловлардан қоқоқликлар мавжуд эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, бўлимда кредитлар сифатини яхшилаш бўйича бир қатор самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлигини кузатиш мумкин.

#### **2.4. Ташки иқтисодий фаолият ва хорижий валюталар бўйича пул муомаласининг ташкил этилиши**

«Ипотекабанк» АТИБ Фарғона вилоят филиали хизмат кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Россия Федерациянинг, Қозоғистоннинг, Италиянинг, Хитойнинг корхона ва ташкилотлари билан экспорт-импорт шартномаларини тузишмоқда. Тузилаётган шартномаларни Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг меъёрий ҳужжатларига асосланиб тузилишида, экспорт шартномалари бўйича валюта тушумларини ўз вақтида келиб тушишида, мажбурий сотувни амалга оширишда, импорт операциялари бўйича конвертация ва тўловларни амалга оширилишида миқозларга яқиндан ёрдам бериляпти.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш мақсадида 2011 йил давомида хизмат кўрсатаётган:

1. «Шурсув Олтин Гугурт Киме» МЧЖнинг 7 та экспорт умумий қиймати 586 минг АҚШ долларида, «Азия Униформ Текс» нинг 102000 минг россия рублида 1 та, «Уткир Ман Транс» нинг 2 та 6 минг АҚШ долларида экспорт, «Фарғона газаппарат заводи» МЧЖ нинг 1 та 10000.0 минг АҚШ долларида, «Valley Mountains» МЧЖнинг 3 та 506,9 минг Еврода, «Шўрсув Олтин Гугурт Кимё» МЧЖ нинг 1 та 46,0 минг АҚШ долларида, «Қўқонмаш» ОАЖ нинг 1 та 975 минг АҚШ долларида, ОРТП «Қурилиш моллари» 1 та 6495 Евродаги импорт шартномалари рўйхатга олинган.

2011 йил мобайнида «Яйпан Ишонч Мебел» МЧЖга 174 минг АҚШ долларида , «Фарғона газаппарат заводи» МЧЖга 363,6 минг АҚШ

долларида, «Valley Mountains» МЧЖга 506,9 Еврода конвертация амалга оширилган.

2011 йил 1 октябр ҳолатига 116 минг АҚШ долларида муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги мавжуд. 2012 йил 19 январ ҳолатига ушбу қарздорлик сундирилган.

Банк филиалида 2011 йил давомида:

«WU» халқаро пул ўтказмалари шахобчалари орқали аҳолига 2258,2 минг АҚШ доллари берилган ва чет давлатларга аҳоли томонидан 155,1 минг АҚШ доллари жўнатилди.

«Contakt» халқаро пул ўтказмалари шахобчалари орқали аҳолига 2293,1 минг АҚШ доллари берилган ва 42 минг АҚШ доллари жўнатилди.

«Быстрая почта» халқаро пул ўтказмалари шахобчалари орқали 512,5 минг АҚШ доллари берилган ва 86,3 минг АҚШ доллари жўнатилди.

«Близко» халқаро пул ўтказмалари шахобчалари орқали 1184,9 минг АҚШ доллари берилган, 1,4 минг АҚШ доллари жўнатилди.

«Мигом» халқаро пул ўтказмалари шахобчалари орқали 1096,4 минг АҚШ доллари берилган ва 63,2 минг АҚШ доллари жўнатилди.

«Юнистрим» халқаро пул ўтказмалари тизими орқали 1863,3 минг АҚШ доллари берилган ва 311,9 минг АҚШ доллари жўнатилди.

«Money Gramm» халқаро пул ўтказмалари тизими орқали 243,5 минг АҚШ доллари берилган 44,9 минг АҚШ доллари жўнатилди.

«Золотая корона» халқаро пул ўтказмалари тизими орқали 10302,6 минг АҚШ доллари берилган ва 339 минг АҚШ доллари жўнатилди.

2011 йил давомида халқаро пул ўтказмалари шахобчаларидан миқдорларга жами 19754,6 минг долларлик чет эл валютаси тарқатилган ва 1043,8 минг долларлик чет эл валютаси жўнатилган.

#### 2.4.1-жадвал

Халқаро пул ўтказмалари бўйича даромадлар солиштирмаси, (минг сўмда)

|  | 2010 йил | 2011 йил | Фарқи + ; - |
|--|----------|----------|-------------|
|--|----------|----------|-------------|

|      |        |        |        |
|------|--------|--------|--------|
| ЖАМИ | 109040 | 196860 | +87820 |
|------|--------|--------|--------|

Валюта айырбошлаш шахобчалари орқали 2011 йил давомида 2105,1 минг АҚШ доллари , 0,1 минг евро сотилган, 51,0 минг АҚШ доллари сотиб олинган.

### **3-БОБ. Банкларда нақд пул муомаласи ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари**

#### **3.1. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида тижорат банкларида нақд пул муомаласи ва бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш йўллари**

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ республикамызда бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизимини яратиш зарурияти туғилди ва ҳозирда ана шундай банк тизими яратилди. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг бош мақсади, жаҳон талабига мос келувчи, ривожланган кредит тизимига эга бўлиш, хўжаликлар ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш ва уни самарали тақсимлаш асосида аҳоли маблағларини кўпайтириш учун замин яратиш ҳамда яшаш шароитини яхшилашга эришишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун давлатимиз томонидан мамлакатимиз банк сектори ривожланишини таъминловчи зарурий макроиқтисодий шароитлар ҳамда банк тизими барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, банк назорати тизимини ва банклар фаолиятини бошқариш усулларины такомиллаштириш, банкларнинг депозит, кредит ва инвестиция фаолиятини янада ривожлантиришга эришиш, банк операцияларини тўғри ҳисобга олиш, банк бошқаруви учун зарурий маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш, банклар ўртасида рақобат муҳитини яратиш, молия-кредит секторининг ҳуқуқий базасини яхшилаш каби чораларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан 2005 йил 15 апрелда қабул қилинган «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори аҳамиятлидир. Бизнингча, ушбу қарор банк тизимини янада ривожлантиришда яқиндан ёрдам беради.

Ҳозирда Ўзбекистон банк тизимида фаолият олиб бораётган тижорат банкларининг сони 29 тани ташкил этиб, уларнинг филиаллари сони эса

карийб 800 тани ташкил этади. Улар мулкчилик шаклига кўра, акциядорлик-тижорат банклари, хусусий банклар, қўшма банклар, шўъба банклар ва давлат банкларидир. Ушбу банклар мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Марказий банк меъёрий ҳужжатларига ва бошқа қонуний ҳужжатларга асосан ўз фаолиятини ташкил этади. Бинобарин, банк фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳам айнан шундан иборатдир.

Тижорат банклари фаолияти бевосита миждозлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, уларга банк хизматлари кўрсатишга асосланади. Мижоз билан муносабатда банк шерик сифатида иштирок этиб, фаолият икки томонлама эркинликка ва ўзаро қизиқишга асосланиши лозим. Мижозлари бой банк албатта, бой бўлади. Зеро, банк маҳсулотлари истеъмолчилари ҳам бевосита банк мижозларидир.

Банк билан мижознинг узок муддатли шерикчилик муносабатлари ўзаро ишонч асосига қурилган бўлиб, у банк ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, маблағларни мақсадли жойлаштириш ва фойдани оширишга олиб келиши лозим.

Тижорат банклари фаолиятининг иқтисодий асоси, улар фаолиятининг тижорат қоидалари асосида ташкил этилганлиги ва фойда олишга қаратилганлигида янада яққолроқ намоён бўлади.

Банклар ўз фаолияти жараёнида қандай натижага эришгани, маблағлари ҳаракати, уларнинг манбаи тўғрисида тезкор ва сифатли маълумотга эга бўлиши лозим. Ушбу маълумотларни бухгалтерия ҳисоби таъминлаб беради.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги бухгалтерия ҳисоби билан чамбарчас боғлиқ, Бу боғлиқлик банкларнинг касса, ҳисоб-китоб, кредит операциялари бўйича корхона, ташкилот, муассасаларга хизмат кўрсатишида намоён бўлади. Банкларнинг юқоридаги

операцияларни амалга ошириши банк, корхона, ташкилот ва муассасанинг бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топади. Банк балансининг актив ва пассив томонида акс эттирилган банк операциялари корхона ва ташкилотлар балансидаги маълумотлар билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бир-бирига мос келади. Банк мижозлари шартнома асосида олиб борган ҳар бир операцияси бўйича банк орқали тегишли бирламчи ҳужжатларга эга бўлиб, шу ҳужжатлар асосида ўзи амалга оширган хўжалик операцияларини ҳисобга олади.

Фикримизча, банк бухгалтерия ҳисоби тезкорлиги, тузилиши ва бир хиллиги билан характерланади. Бу барча операциялар амалга оширилган куннинг ўзидаёқ ёрдамчи китоб материалларида акс эттирилиб, Бош китоб маълумотлари билан назорат қилиб борилишида намоён бўлади.

Банк бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги иқтисодий ривожланиш босқичида банк мулкнинг ҳолати ва ҳаракати, пул маблағлари, кредитлар, фондлар, даромад ва ҳаражатлар, молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотлар оқимини ифодалаб, банк фаолиятини бошқариш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш мақсадида шакллантирилади.

Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаларини:

- ўз ва жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш ва улардан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаб бориш;

- олинган даромад ва қилинган ҳаражатлар тўғрисидаги маълумотлар асосида режалаштирилган ликвидлилик ва рентабеллик даражаси орқали банк даромадлигини таҳлил қилиш ва назорат қилиш;

- банк мулки ҳолати ва ҳаракати устидан назорат ўрнатишни таъминлаш;

- бажарилган операциялар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ҳамда аниқ акс эттирилишини таъминлаш;

- бухгалтерия ҳисобида замонавий компьютер техникаси воситаларидан кенг фойдаланилган ҳолда банк операцияларини тез ҳисобга олиш ва маълумотлар базасини яратиш каби гуруҳларга бўлиш мумкин.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳужжатлар айланишининг тўғри ташкил қилиниши, уларнинг мижозлари бухгалтерия ҳисоби ҳолатига тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Банк бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан нафақат банк мижозлари, акциядорлари, банк бошқарувчилари, солиқ органлари, балки мамлакат бўйича йиғилган тижорат банклари молиявий ҳисоботи маълумотларининг умумлашган кўрсаткичларидан Молия вазирлиги, Марказий банк, давлат бошқарув органлари ҳам фойдаланади. Чунки, тижорат банклари молиявий ҳисоботларида йиғилган маълумотлар хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий маблағлари ҳаракати, берилган кредитлар, қилинган инвестициялар, пул айланиши, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолатини акс эттиради. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

### 3.1.1-жадвал

#### **Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва улардан фойдаланувчилар**

| № | Фойдаланувчилар             | Фойдаланувчиларнинг манфаати учун зарур бўлган маълумотлар                                                          |
|---|-----------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Акциядорлар ва таъсисчилар  | Банкнинг молиявий ҳолати ва дивидендлар фоизи бўйича келгусидаги дивиденд сиёсати                                   |
| 2 | Инвесторлар                 | Маблағларни сарфлашдан кўриладиган иқтисодий самарадорлик ва таваккалчилик даражаси                                 |
| 3 | Кредиторлар ва депозиторлар | Банкнинг молиявий барқарорлиги, яъни кредиторлар ва депозиторларга ҳисобланган фоизларни тўлаш имконияти ва ҳоказо. |
| 4 | Чет эл банклари             | Банк вақилининг ишончлилигини билиш                                                                                 |
| 5 | Марказий банк               | Банк тизимининг барқарорлиги ва самарали бошқарилаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар                                 |
| 6 | Давлат солиқ қўмитаси       | Активлар, даромад, харажатлар ва солиқ тўланиши бўйича маълумотлар                                                  |
| 7 | Мижозлар                    | Банкнинг молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилиги                                                              |
| 8 | Ишчи ва хизматчилар         | Меҳнат ҳақини тўлаш ва иш шароитини яхшилаш қобилияти                                                               |

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан фойдаланувчилар кўп бўлиб, уларнинг манфаати учун

зарур бўлган маълумотлар турли хилдир, Шу нуқтаи назардан банк бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти бозор муносабатлари шароитида янада ошиб боради.

## ХУЛОСА

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ республикамызда бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизимини яратиш зарурияти туғилди ва ҳозирда ана шундай банк тизими яратилди. Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг бош мақсади, жаҳон талабига мос келувчи, ривожланган кредит тизимига эга бўлиш, хўжаликлар ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш ва уни самарали тақсимлаш асосида аҳоли маблағларини кўпайтириш учун замин яратиш ҳамда яшаш шароитини яхшилашга эришишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун давлатимиз томонидан мамлакатимиз банк сектори ривожланишини таъминловчи зарурий макроиқтисодий шароитлар ҳамда банк тизими барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, банк назорати тизимини ва банклар фаолиятини бошқариш усуллариини такомиллаштириш, банкларнинг депозит, кредит ва инвестиция фаолиятини янада ривожлантиришга эришиш, банк операцияларини тўғри ҳисобга олиш, банк бошқаруви учун зарурий маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаш, банклар ўртасида рақобат муҳитини яратиш, молия-кредит секторининг ҳуқуқий базасини яхшилаш каби чораларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан 2005 йил 15 апрелда қабул қилинган «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори аҳамиятлидир. Бизнингча, ушбу қарор банк тизимини янада ривожлантиришда яқиндан ёрдам беради.

Ҳозирда Ўзбекистон банк тизимида фаолият олиб бораётган тижорат банкларининг сони 29 тани ташкил этиб, уларнинг филиаллари сони эса қарийб 800 тани ташкил этади. Улар мулкчилик шаклига кўра, акциядорлик-тижорат банклари, хусусий банклар, қўшма банклар, шўъба банклар ва давлат банкларидир. Ушбу банклар мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон

Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Марказий банк меъёрий ҳужжатларига ва бошқа қонуний ҳужжатларга асосан ўз фаолиятини ташкил этади. Бинобарин, банк фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳам айнан шундан иборатдир.

Бизнингча, банклар ўз фаолиятини асосан четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга ошириши банк бухгалтериясига ўз таъсирини кўрсатади. Шу сабабли, банк бухгалтерия ҳисобварақлари режасидаги ҳисобварақларнинг аксарияти мижозлар маблағларини ҳисобга олишга мўлжалланган.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкларининг мақсади, барча хўжалик юритувчи субъектлар қатори, ўз фаолиятини даромадини кўпайтиришга ва шу асосда, биринчидан, ўз таъсисчилари - акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан, иккинчидан, банк фаолиятини ривожлантиришдан иборат. Банк фаолиятини юритиш тезкор ҳарактерга эга эканлиги, унинг фаолиятини бошқариш учун тезкор ва аниқ маълумотлар етарли бўлишини тақозо этади. Бу маълумотни бухгалтерия ҳисоби таъминлаб беради. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан банк фаолияти таҳлил қилинади, ривожлантириш истиқболлари белгиланади ва бошқарилиб борилади.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда бир қатор илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Тадқиқотда тижорат банклари хизматлари бозорини сегментлашда нафақат бошқа банклар томонидан кўрсатиладиган рақобатни, балки нобанк муассасалар томонидан кўрсатиладиган рақобатни ҳам ҳисобга олишлари лозимлиги кўрсатилди. Улар кредит уюшмалари томонидан мижозларга берилаётган кредитларни тартиб - қондасини, фоиз ставкаларини ва мижозларнинг ҳоҳиш — эҳтиёжларини доимо ўрганиб уни мониторингини олиб боришлари лозим. Бу эса, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини янада оширишига олиб келади.

2. Тадқиқот ишида банк хизматлари бозорида фаолият юритаётган тижорат банклари фаолиятига маркетинг тизимида қўлланилаётган самарали коммуникацион стратегияни ишлаб чиқиш ва кенг жорий этиш йўллари таклиф этилди.

3. Тадқиқот натижалари бўйича тижорат банкларининг якуний кўрсаткичи бўлган фойдасига таъсир этувчи омилларни ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мақсадида эконометрик модель ишлаб чиқилди ва унинг асосида “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки фойдасининг истиқболдаги прогнозли қийматлари ҳисоблаб чиқилди.

4. Республикамиздаги тижорат банклари ўзларининг депозит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда ўзларида мавжуд бўлган кенг тармоқли банк муассасаларидан ҳамда улардаги малакали мутахассислар хизматидан оқилона ва самарали фойдаланиш йўллари тавсия этилди.

5. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча тижорат банкларида «home banking», «интернет – банк», «мобил телефон банк» каби янги қулай замонавий банк хизматларини жорий этиш ва мавжуд банкларда уларни ривожлантириш йўллари тавсия этилди. Ушбу жараёни янада ривожлантириб бориш натижасида «банк – мижоз» дастури муносабатларини яхшилаш асосида республикамизда дунёдаги энг замонавий технология ҳисобланган CRM (Customer Relationship Management) тизимини жорий қилиш механизми ишлаб чиқилди.

6. Тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўртасида шерикчилик муносабатларини фаоллаштириш лозимлиги кўрсатилди. Бунинг учун тижорат банки ҳар бир мижоз тўғрисида барча маълумотларга эга бўлиш ва мониторинг ўрнатиш тизими асослаб берилди.

7. Мамлакатимиз аҳолисининг қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги саводхонлигини ошириш учун тижорат банкларида юқори малакали ходимлар ва четдан муттахассислар жалб этган ҳолда сайёр промоуд – гуруҳлар тузиш лозим. Ушбу сайёр промоуд гуруҳлари орқали жойларда

қимматли қоғозлар бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилди.

8. Тижорат банклари хизматларини рекламасини олиб боришда марказий газета ва журналлар билан биргаликда, катта ададли, мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ўқувчиларга етиб борадиган оммавий ахборот воситалари хизматидан фойдаланиш масаласини қайта кўриб чиқиш муҳимлиги асосланди.

9. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси банклар ассоциацияси қошида тижорат банклари ходимларини маркетинг ва қимматли қоғозлар билан фаолият юритиши бўйича малака оширишини амалга оширади. Тижорат банклари ходимлари таркибида маркетинг соҳасидаги юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги каби муаммога барҳам бериш мақсадида ассоциация қошида улар бўйича қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш ва уларга четдан малакали мутахассисларни жалб этиш таклиф этилди.

10. Шунингдек, маркетинг фаолиятини янада ривожлантириш нуқтаи назаридан тижорат банклари хизматлари сифатини ошириш ва уларнинг самарадорлигини кучайтириш бўйича қарорлар қабул қилиш асослари ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси тижорат банклари хизматлари бозори тараққиёти учун пухта замин яратади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. “Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Марказий банк тўғрисида”. 1995 йил 21 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” 1996 25 апрел.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
4. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида». 2009 йил 13 февраль.
6. Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ПК-№147. 05.08.2005 й.
7. Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома ЎЗР АВ 12.10.2004 й. 1156-4-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МББ Қарори №14/7.
8. Нақд чет эл валютасига оид операцияларни амалга ошириш Қоидалари ЎЗРМБ №474. АВ№957.15.04.2004 й
9. Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш Қоидалари ЎЗР АВ 05.03.2004 й. 565-5-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР МББ Қарори №376. (№1/16-баённома) 24.01.1998 й.
10. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия

хисобининг ҳисобварақалари режаси №290.

11. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги №60-сонли Низом. 27 июнь 1998 й.
12. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги 1-сонли Низом. 28 август 1998 й.
13. Тижорат банклари томонидан иш ҳақи бериш учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги.,Қоидалар.,УзРМБ.,Т-1999й.
14. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Т.: Шарқ, 2003.
15. Грюшинг Х. Ван., Братонович. С. Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском. Пер. с англ. Вступ.сл.д.э.н. К.Тагирбеков. -М.: Изд. Весь Мир, 2004.
16. Дон. Патинкин. Деньги, процент и цены. -М.: Экономика, 2004
17. Куницына Н.Н.,Хисамуддинов. учеб. пос. Банковский аудит. М-.: Ф и С, 2005.
18. Курсов В.Н., ЯковлевГ.А. Бухгалтерский учёт в коммерческом банке: новые типовые бухгалтерские проводки операций банка Учеб. Пос. - М.: ИНФРА-М, 2004.
19. Кариев, Х. Управление Банковской системой в Германии: (материалы к лекциям)/ Х.Кариев. - Б.м.: Республиканский Фонд "Устоз", 2003.- 63 с.
20. Тагирбеков К.Р., ред. Организация деятельности коммерческого банка .М.,Ф.2003..Ц-357.00р.
21. [www.bankclub.ru/renkings-uzbek-banks311204.htm](http://www.bankclub.ru/renkings-uzbek-banks311204.htm)
22. [www.bankclub.ru/renkings-uzbek-insurance311204.htm](http://www.bankclub.ru/renkings-uzbek-insurance311204.htm)
23. <http://bankir.ru/analytic>